



ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСII
ГАЗЕТАСИ

О'КШОМ

Дам олиш
сонида

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 76 (9.268) 1999 йил 2 июль, жума

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 30 июнь кун Иқсарой қароргоҳида Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг катта вице-президенти ҳамда бош иҳтисодчиси Жозеф Стиглиц раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

◆ Бугун мустақил Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби қабул қилинганига етти йил тўлди.

◆ Республикамиз ношир ва матбаачилари ўз журналларига эга бўлдилар. Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси ва «РАСТР» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма қорхонаси муассислигида «RASTR» журнаlining нишона сони Миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб чоп этилди.

◆ Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида телемедицина бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди.

◆ Муллауҗи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида халқаро «Ипак йўли — театр — саёҳат» лойиҳасига мувофиқ муаллифлик театрларининг томошалари бўлиб ўтмоқда.

◆ Яқинда «Жанубий» автополигонда автоспорт бўйича мамлакат биринчилигининг учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

◆ Қибрай туманида Аёллар йили муносабати билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

◆ Ўзбекистон терма командаси футболчилари 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари баҳсларида қатнаша олмайдиган бўлишди. Саралаш ўйинлари ниҳоясида Қозоғистон терма жамоаси 17 очко жамғариб, Сиднейга йўлланма олди.

ЖАХОНДА

◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Кофи Аннан БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси назоратчиларининг айдоқчилик фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлар борлигини таъкидлади.

◆ Филиппиннинг Манила шаҳрида навбатдаги бутуниттифок конференцияси бўлиб ўтди. Унда биринчи марта Ўзбекистондан вакил қатнашди.

◆ Ҳиндистоннинг шарқдаги Бихар штати пойтахти — Патна шаҳридаги темирйўл станциясида гаройиб топилмага дуч келинди. Маҳаллий вокзал биносидан 80 та одамнинг бош қаногли жойлаштирилган қоп топилди.

◆ Россияда 1 июлдан бошлаб баъзи асосий маҳсулотларнинг нархи ошди.

◆ Сомалининг шимолий қирғоқларида қуролли гуруҳ аъзолари томонидан 4 та немис яхтакчиси гаровга олинди.

◆ Россияда одатдагидан ташқари иссиқ иқлим ҳукмронлик қилмоқда. Гидрометеорологларнинг хабарига қараганда 150 йил мобайнида ҳавода ҳали бунақа юксак ҳарорат кузатилмаган эди.

◆ Америка Қўшма Штатларининг Гавайя оролларида янги ўта қудратли телескоп фойдаланишга топширилди.

◆ Грознийда икки гаровга олинган киши озод қилинди. Улардан бири Доғистон фуқароси.

◆ Кеча Канада халқи ўзининг миллий байрами «Канада кунини» нишонлади.

ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



УНИНГ ҲАМ МУНОСИБ УЛУШИ БОР

Шундай касб эгалари борки, уларнинг қилаётган ишлари бир қарашда кўзга ташланмайди, лекин кўз илғамас ишнинг жуда катта масъулияти, эл-юртга нафи бўлади. Ана шундай касб эгаларидан бири «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамиятининг марказий сифат лабораториясида химик-микробиолог бўлиб ишлаб келаётган, ўз билими, малакаси билан қорхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатининг ошишига муҳим ҳисса қўшаётган Гулира Юнусовадир.

Қарийб 17 йилдан ошдики, Гулира ўз уқуви, меҳнатсеварлиги билан жамоа аҳли ҳурматини қозонди. Ана шу йиллар давомида қорхонада тайёрланаётган сут ва сут маҳсулотлари, турли шарбатларнинг тозаллиги, ёғлилик миқдори, чидамлилиги, сифати ва сортини текшириб, аниқлашда, харидорлар сифини орттиришда унинг муносиб улуши бор.

— Баҳараётган ишимда ўта синчковлик лозимлигини жуда яхши англайман, — дейди Гулира Юнусова. — Яна шу нарса доимо эътиборимдаки, ушбу маҳсулотларни одамлар истеъмол қилишади. Шу боис ҳам бизнинг ишимизда ҳамиша, сидқидиллик, масъулият лозим. Касбга меҳр эса энг асосий ҳисобланади.

Қорхонада аёллар кўпчиликини ташкил этади. Шу сабабли ҳам Аёллар йилида юртимизда аёлга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор жамоа хотин-қизларини ҳам ниҳоятда руҳлантирди. Шундан бўлса керакки, бугунги кунда қорхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли шарбатлар хорижга ҳам чиқарилмоқда, чет эллик шериклар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмоқда. Ана шундай ўз ҳаридорини топаётган мазали ва сифатли маҳсулотларни аҳолига манзур этишда Гулира Юнусованинг ҳам муносиб улуши бор.

Шарофат БАҲРОМОВА.
Рустам Шарипов олган сурат.

Анжуманлар

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Кун кеча Тошкент Давлат университетининг маданият саройида шу олийгоҳ қошидаги Олий педагогика институти, Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси ҳамкорлигида «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш жараёнини такомиллаштириш масалалари»га бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни кириш сўзи билан очган Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори академик Т. Долимов қатнашчилар диққатини таълим ислохотларини амалга оширишда жойлардаги ўқув муассасалари-

нинг роли, баркамол авлодни шакллантириш йўллари масалаларига қаратди.

Олий педагогика институти ректори Ш. Шароповнинг «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш муаммолари», Тошкент шаҳар ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи М. Азимовнинг «Академик лицейларда ўқув жараёнини ташкил қилиш масалалари», Тошкент электротехника алоқа институтининг «Хуқуқшунослик» фани катта ўқитувчиси Ж. Ёқубовнинг «Академик лицей ва коллежларда «Хуқуқшунослик» фанини ўқитиш муаммолари» ҳақидаги чиқишлари йиғилиш қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, муҳокама этилган масала юзасидан конференция қатнашчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Журналистлар сайли

ҚЎШ ТАНТАНА НИШОНЛАНАДИ

ЭРТАГА

пойтахтимиздаги гўзал ва сўлим гўшалардан бири Мирзо Улуғбек боғида Ўзбекистон Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган ажойиб тадбир бўлиб ўтади. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ўз анъанасига содиқ қолиб журналистлар сайлини ўтказиши.

Ушбу сайил КЕЧА ўзининг 33 йиллигини нишонлаган пойтахтимизнинг «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг байрам тантаналарига уланиб кетиши янада мароқлидир.

Сўлим боғ ташриф буюрувчилар учун

эрта тонгдан ўз эшиklarини очади. Барвақт янграган карнай-сурнай, ноғора-чилдирма овозлари одамларни боққа чорлайди. Ёқимли қўшиқ ва тароналар янграйди.

Журналистлар сайлида турли оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашиб бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўладилар, тажриба алмашадилар. Уларга Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилади.

Хуллас шу кун бокқа ташриф буюрган кишилар ва сайил иштирокчилари ранг-баранг ҳамда мароқли тадбирларнинг гувоҳи бўлишади.

Азиз ҳамшаҳарлар, эртага сизни хушманзара Мирзо Улуғбек боғи ўзига чорламоқда, сайлимизга марҳамат!

Қадимда икки дўст бойлик ва бахт излаб узоқ мамлакатлар сари йўл олишибди. Юриб-юриб, бир дарахт тагида ярми ерга кирган, ярми ташқарида ётган тошни кўрибдилар. Унда шундай ёзув бор экан: «Кимки тошнинг орқа томонини ағдарса, у ерда ҳазинанинг қаердалиги кўрсатилган!». Дўстларнинг бири йўлида давом этибди, иккинчиси эса ҳазина илинжида тош тагини кавлай бошлабди.

Биринчи йигит тонгда бир шарга кириб борса, одамлар унга тож кийдиришиб, подшо қилиб кўтаришибди. Сабаби, подшо вафот этган бўлиб, шаҳарга биринчи бўлиб кирган кишига тож кийдириш одат экан. У ёқдаги шериги эса роса қийналиб, минг машаққат ила тошни ағдарибди. Тошда эса «Ким хомтаъма бўлса, у дунёда жони азобда қолади!» дея ёзилган экан. Алқисса, дўстлардан бири қаноати туфайли подшо бўлибди, иккинчиси меҳнатсиз ҳазинани орзу қилиб, жони азобда қолди...

маларидан узр сўраб, бу юмушни ташладим.

— Воей, шунга шунчами?! Менинг ҳам қўшним ўқитувчи. Лекин, сахар туриб, автобусда қўйлик бозорига жўнайди. У ердан кўтара мол олиб келиб, метро бекатида ўтириб бирпасда сотади. Уч-тўрт сўм устамаси ўзига-да. Пешиндан сўнг ҳеч нарса бўлмагандай мактабига кетаверади...

Сухбатни тинглаб ўйланиб қолдим. Демак, бой бўлиш ҳам бир санъат, унга ҳам маҳорат, ҳам ақлу ғайрат керак экан! Яна ўйладим-ки, бебилиска пул топгандан кўра, ишбилармонлик эвазига бойлик тўплаганлар ҳаёти осойишта ва мазмунлироқ кечади. Ахир «Машаққатли меҳнатнинг нони ширин бўлади!» деганлар.

Аждодларимиз «Барака — тежамда!» деган ҳикматга амал қилишган. Ҳар бир сўмни ўрни-ўрнига қўйиб, режа билан ишлаганлар. Айтишларича, қадимда бир бой бўлиб, ховлисида тўрт-

Иқтисодий мавзуда

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БОЙ БЎЛИШ МУМКИН?

Бекаму-кўст яшаб, фаровон турмуш кечиришни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Тасаввур қилинг, оила аъзоларингиз учун зарур бўлган ҳамма нарса етарли: уй, машина, турли жиҳозлар. Бариси замонавий, энг сўнгги урф-дагиси... Сиз эса осойишта, бешташвиш яшасиз. Бу албатта яхши. Лекин, танганинг иккинчи тарафам бор. Яъни, сиз учун бойлик ҳеч вақт асосий мақсад бўлиб қолмаслиги керак.

Аслида, бой бўлиш осонмикин? Бунга жавоб топиш учун қандай қилиб бой бўлиш мумкинлиги ҳақида ўйлаш лозим. Ҳўш, қандай қилиб? Ён-верингиздаги кишилар турмушига бир назар ташланг. Биров бебилиска пул топиб, осонгина бойиб кетаётгандек. Бошқа биров эса тежаб-тергаш эвазига ҳазинасини тобора кўпайтирмоқда. Яна кимдир не азоблар билан, қийнала-қийнала бойлик тўплаётган. Умуман олганда, бошқаларнинг ҳаётини четдан туриб таҳлил этиш қийин. Ундан кўра, ўзгалар суҳбатини идрок этиш кишига аниқроқ тасаввур беради.

Махалладаги бир йигинда бозор ҳақида гап кетди. «Бозорчиларнинг ҳаммавақт ошиғи олчи, кун сайин нархни ошириб ётишибди. Шундай экан, маошга яшаш қийин-да!» деди даврадаги аёллардан бири. Яна бири гап қўшди:

— Тўғри айтасиз, ҳамма фойда бозорда экан. Мана, менинг бир қўшним боғчада тарбиячи эди. «Маошим кам, етмапти» дерди нуқул. Бирданига ўз ишдан бўшадими, бозорга чиқди. Бир йил ўтиб-ўтмай уй-жойини гулдек қилиб олди.

Баҳс қилиб, аёллар гапни гапга улаб кетишди.

— Болалар ҳадеб уни обери-нг, бунга обери-нг, деяверишадилар. «Бошқасини олақол, сен айтган нарса бозорда қиммат» десам, «Нега фалон-фалон ўртоқларимда бору, менда йўқ», деб туриб олишадилар. «У ўртоқларингиз дадасиям, ойисиям бозорда савдо-сотиқ қилади, шу учун пуллари кўп» деб айтиб бўлармиди болаларга...

— Йўқ, унақа деманг, боланинг кўнгли ўқийди. Бир амаллаб айтганини обери-нг, ўргулай. Шу болаларни деб яшаб юрибмизда. Мен ҳам болаларим ўртоқлари олдида ўқинмасин деб яқинда қўшимча иш олдим. Қўшим хорижга қатнаб, тижорат юритади. Ушанинг у ёқдан олиб келган буюмларини ишхонама-ишхона юриб пуллаб бераман. Ҳаққини беради. Дастлаб тоза қийналдим. Энди-энди ўрганиб кетдим, ҳарҳолда рўзгорга бироз мадад...

— Сизку, элпасиз-а. Бир дугонам ҳам шундай ишга бош қўшганди, бечора сотган нарсаларининг пулини ололмай, ярмисини йўқотиб қўйиб, роса жони азобда қолди. Боре, деб яна кутубхоначилигини қилиб юрибди. Савдони ҳам эплаган одам бажаради-да.

Бўлмасачи! Савдо-сотиқ юритишга ҳам сал-панк урдабурон бўлиш керак экан. Мана мен, туппа-тузук мактабда ўқитувчилик қилиб юрвдим. Карасам, бозорчи-га кун тўққан, маошининг қадами улғоғлик. У-бу ширинликлар пишириб, кечкурун автобус бекатида сота бошладим. Бир кунни ўқувчиларим кўриб қолишибди. Эртасига мактабга борсам гап-сўз. Директор хонасига чақириб, «Сиз ҳамкасбларингизни иснодга қолдиришасиз» дейди. «Тирикчиликнинг айби йўқку» дедим. Қаёқда, тушунишмади, ҳам-

та келини бирга тураркан. Шу келинлар кунига чироқларини кўтариб келиб, бир жойда битта гугурт чўпи билан ёндириб кетарканлар. Агар ҳамма ўз уйида ёкса, тўртта гугурт чўпи кетади-да! «Бой ўз хонадонидан шундай тартиб ўратгани учун ҳам бой бўлган-да!» дейишаркан ён-атрофдагилар.

Бу соҳада нафақат боболаримиз тажрибасини, балки ўзимиз ҳавас қиладиган энг бой мамлакатлар ҳаётининг ибратли томонларини ўрганасан арзийди. Олдий бир мисол. «Пул — бу ҳаёт!» деган ҳазиломуз шиори кўп такрорлайдиган америкалик аёллар болалари расм чизган қорозларини ҳам йиғиб қўйиб, ўринли мақсадларда фойдаланишаркан. Ҳатто ейилган апельсин пўчоқларини ташлаб юборишмай, уни шакарлаб, жажжи конфетлар тайёрлашаркан.

Бизда-чи? Очиғини айтганда, собиқ шўролар даврида роса беғам бўлиб ўрганганмиз. Эътибор қилсак, айрим кўчалару хонадонларнинг чироқлари кундуз куням ёниқ туради. Кранлар суви бўлар-бўлмасга оқиб ётади. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, шаҳардаги кўп қаватли биноларнинг умумий (подъезд) эшиклари яхши ёпилмаслиги сабабли қишда бир суткада бекорга совурилган иссиқликнинг юзгага келтириш учун нақ 98 килограмм кўмир зарур бўларкан. Ўзбекистондаги шаҳарлар ва улардаги эшиклар сонини 98 га, сўнгга қишдаги кунлар сонига кўпайтирилса борми, жуда катта рақамлар келиб чиқади. Шаҳардаги тоза сувнинг 21 фоизи ишлатилмасдан бекорга оқиб кетаркан. Бу сингари ҳолатлар эса ҳақиқат учрайдилар. Қадимгилар бир нарсани исроф қилмоқликдан кўра, унинг уволига қолиб, гуноҳ ортиришдан кўрққанлар. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ўз Ҳадиси муборакларидан бирида «Аллоҳ таоло молни ноўрин ерларга сарф этиб, зое қилмоқликдан нафақабланиди!» дейдилар.

Баъзи бировлар ҳақида «Пул топиб ақл топмаган-да!» деган ибора қўлланади. Сабаби, улар рўзгорга келган даромадни керак-нокерак нарсаларга сарфлаб, файзу-баракани йўқотадилар. Сўнг «Қанча пул бўлса рўзгордан ортмайди!» деб нолийдилар. Оила сарф-харажати режалаштириш учун хонадон эгалари маълум маънода билимдон бўлишлари ҳам керак. Қуръони Каримнинг 293 та ояти иқтисодий тафаккурга бағишланган экан! Қўлаб сураларда эса Аллоҳ ўз бандаларига молу дунёни синов учун бериб қўйиши ва улар бу мол-дунёдан қандай фойдаланажакларини қузатиб туриши оғохлан-тирилади. Демак, бойиш йўллари фақат бозорга қиқишу майда-чўйда сотиб пул тўплашдан иборат эмас, балки иқтисодий тафаккурга эга бўлиш, бозор ва турмуш илмини пухта билимоқликда экан! Пулни кўпайтиришдан ҳам кўра, топилган пулни ўз ўрнида сарфлаш, тежамкорликка риоя этиш кўпроқ фойда келтиради. Ҳар биримиз ўз хонадонимизда тежамкор бўлиб, бу одатни фарзандларимизга ҳам ўқтира билсак, ён-атрофимиздагиларнинг иқтисодий савиясини оширишга бироз ҳисса қўшган бўлардик. Зеро, эркакларни ишбилармон, аёлларни тежамкор бўлган мамлакат энг бадавлат бўла боради, гуллаб-яшнайдилар, равнақ топади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.



Ёшлиқнинг беғубор ва қувноқ онлари.

Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.

Тошкент қишлоқ хўжали- ги машинасозлиги заводи меҳ- нат жамоаси қишлоқ хўжа- лиги меҳнатқашларини замо- навий ҳамда юксак унумли агрегатлар билан таъмин- лаб, уларнинг оғирини енгил қилиб, республикамиз Муста- қиллигининг 8 йиллигини му- носиб меҳнат ютуқлари би- лан қўтиб олишга интилоқ- далар.

Яқинда корхонада «Кейс» пахта териш машинаси бункери деталларини тайёрлашга ихтисослашган янги цех ишга туширилди. Ушбу цех энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Цехда махсус дастур бўйича ишловчи пахта териш машинаси

Шаҳар-қишлоққа

ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

бункерининг деталь ва бўлакларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган Германия фирмасининг ускуналари, Бельгиянинг дастгоҳлари ва бошқа янги жиҳозлар ўрнатилган.

Жамоа ахли кутлуғ Истиқлол байрамигача 300 дона керакли мосламалар тайёрлаб беришни режалаб туришибди. Ҳозирда цехда тайёрланаётган барча деталлар жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқарилмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илгари «корхонада «Кейс» бункерининг фақат зичловчи қисми тайёрланган бўлса, ҳозирда бу ерда тракторлар учун тупроқни юмшатувчи тиркама борона ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Жамоа сазъ-ҳаракатлари билан жорий йилнинг ўтган ойларида 2 миллиард 610 миллион сўмликдан ортиқ бутлов қисмлари тайёрланди. Эндиликда янги цехнинг фойдаланишга топширилиши бу кўрсаткичнинг 2-3 баробар ошишига имконият яратди.

Янги очилган цехда иш қўзи-ни билан мамлакатимиздаги дастгоҳлар иш унумидан самарали фойдалана оладиган тажрибали мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Энг муҳими эса, эндиликда «Ўзкейсмаш» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига керакли эҳтиёт қисмларни хориждан келтиришга ҳожат қолмайди. Бу билан мамлакатимиздаги валютанинг четга чиқиб кетиши ҳам тежаллади. Тадбиркорлик билан иш юритаётган корхона ишбилармонлари янги маҳсулот турларини яратиш йўлида изланмоқдалар.

Дилноза ФИЁСОВА.

Саноат

МЕНЕЖЕРЛАР УЧУН

Ўзбекистон машинасозлик саноати республика уюш- маси таркибида ҳозир бир нечта маҳсулот сифатини янада яхшилашга қаратилган технологик жараёнларни янгилаш ва такомиллаштириш борасида ҳам самарали изланишлар олиб боришмоқда.

Бу ютуқлар, шубҳасиз корхона менежерлари ва муҳандис-техник ходимларнинг бой тажрибаси, билим ва малакаси натижасида қўлга киритилмоқда. Бу каби маҳорат жараёнлари кўникамларини ошириш мақсадида уюшма янги ўқув лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси билан чиқди.

Яқинда ўз фаолиятини бошлаган бу соҳавий бизнес-инкубатор ўқув маркази корхоналарда янги технологияларни жорий этиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш таълимий масалалари билан шуғулланади.

— Ушбу лойиҳада мутахассисларга бозор иқтисодиёти асосларидан чуқур билим ва амалий кўникама бериш кўзда тутилди, — дейди Тошкентдаги бизнес-инкубатор раҳбари Р. Ҳамидов. — Машғулотларни олиб боришда бизга халқаро ТАСИС маркази яқиндан ёрдам беради.

Ушбу марказнинг экспертлари, ҳуқуқшунослари ва иқтисодчилари ўқув жараёнларни ташкил этиш учун жалб этилди.

Лойиҳага кўра уюшмага қарашли корхоналарнинг ўрта муҳандис ва раҳбарлари 4-5 ой мобайнида ўқув машғулотирига қатнайди. Машинасозлик корхоналарининг директор ўринбосарлари, бош муҳандисларни режалаштириш бўлими бошлиқлари, маркетингларидан иборат дастлабки гуруҳ эса ўқишни бошлаб юборди. Машғулотлар давомидида мутахассислар бизнес ғояларни тузишни ҳам ўрганадилар. Энг яхши деб топилган бундай таклиф-ишланмалар асосида корхоналарнинг бизнес режалари тайёрланди. Бу эса корхоналарнинг истиқбол режаларини белгилашда етакчи мутахассисларнинг яқиндан туриб иштирок этишлари учун замин ҳозирлайди.

Акбар АЛИЕВ.

Шарҳли хат

КИМ МАСЪУЛ?

«Ҳурматли таҳририят!

Сизга пойтахтимиздаги Собир Раҳимов тумани Қорақамиш 2/5 2-уйда истиқомат қилувчилар номидан мактуб ёзмоқдаман. Бизнинг уйда 32 хонадон аҳли яшайди. Лекин айни кунларда бу ерда яшовчи каттаю кичик мавзеимизда чивинлар кўплигидан азият чекаптилар. Ҳаво иссиқ бўлсада, эшик ёки ойналарни очиб ўтиролмаймиз, уйнинг ичи бир зумда чивинга тўлади. Уларнинг келтириб чиқарадиган азиятлари ҳақида-ку гапириб ўтиришнинг ҳождати бўлмаса керак...

Кўп қаватли уйлар ён-атрофида чивинлар галалари йиғилмаслигининг олдини олувчи бирор масъулиятли ташкилот борми?

32 хонадонда яшовчилар номидан

У. Қомиллов».

Биз ушбу мактубдаги са- вдо-сотиқ билан Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси бош врачлари Карим Ортиқовга му- рожаат қилиб, қуйидаги жа- вобни олдик.

— Пойтахтимизнинг ҳар бир туманида дезинфекция станциялари фаолият кўрсатиб, улар хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ҳисобланади. Шу боис ҳам туманлардаги уй-жойлардан фойдаланиш ижара корхоналари йил бошида дезинфекция станциялари билан шартнома тузиб, маблағ ўтказишлари керак. Ана шунда туман дезинфекция станцияси ходимлари вақти-вақти билан кўп қаватли уйларни-

нг ертўлалари ҳамда ён-атрофини дезинфекция қилиб чиқиш ва бошқа зарарли ҳашаротлардан тозалаб туради.

Агарда уй-жойлардан фойдаланиш ижара корхоналари дезинфекция станцияси билан йил бошида шартнома тузмаган бўлсалар, кўп қаватли уйлар аҳолисининг талабига кўра бир марталик шартнома асосида ҳам буюртма беришлари мумкин. Ана шу буюртмага асосан туман дезинфекция станцияси хизматчилари ўз вазифаларини бажаришади.

Юқоридаги мактуб эгалари эса ўзлари истиқомат қилаётган жойдаги уй-жойлардан фойдаланиш ижара корхонасига мурожаат қилсинлар.

Шарифа ИЛЁСОВА.

МИЛЛИЙ ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Табиат доимо инсониятнинг диққат марказида бўлган. Аждодларимизнинг муқаддас китоби бўлмиш «АВЕСТО» ҳам бундан мустасно эмас. Ўтмишдошларимизнинг қонунлар мажмуасида табиатга муносабат олий даражада ҳал қилинган экан...

«Миллий хавфсизликка қарши яшрин таҳдидларни, — деб ёзганлар Йўлбошчимиз Ислоҳ Каримов, — кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир».

Табиатга ваҳшийларча муносабатда бўлинди. Ер захарланди. Хавони бузди. Заводлар қурилиб, уларнинг чиқиндилари сув ҳавзаларига оқизилди. Демак, ҳаво, сув, ер ифлосланди, захарланди. Аммо тарихий ҳужжат «Авесто»га эътибор берадиган бўлсак, аждодларимиз атроф-муҳитга ниҳоятда эҳтиётда бўлганлар. Нафақат эҳтиёт бўлганлар, балки ҳаво, ер, сув муқаддас ҳисобланган. «Авесто»нинг гувоҳлигича, ҳаво, ер ва сувни ифлослантирганлар 400 таёб билан жазоланган.

Аждодларимиз табиатга ниҳоятда эҳтиётда бўлишган, уни кўз қорачигидек асрашган. «Авесто»нинг гувоҳлики беришча табиат илоҳийлаштирилган. Агар тузукроқ ўйлаб кўрилса, яхшилаб бош қотирилса, улар мутлақо ҳақ бўлганлар, чунки табиат — бу ҳаёт, одамзоту барча тириклик учун зарурий воситадир.

«Инсон бутун умри давомида, — дейилган илоҳий китобда, — сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жаммики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир». Ана кўраясизларми, яхшилар?! «Жаммики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир» деб ҳукм қилинаёпти. «Бурч» аждодларимизда сўзсиз бажарилиши шарт бўлган востига айланган. Бурчни англашлик ҳам олий инсонийликдир. Мустабид тузум, тобъелик инсоний фазилатларга ҳам соя ташлаб, ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

«Бурч, — деганди донишмандлардан бири, — сен авж пардадаги буюк сўзсан, бу шундай буюклики, чиндан ҳам инсонни ўзидан ҳам юксакликка кўтарувчи буюклиқдир». Ўтмишдошларимизнинг зийраклигига қойил қолсан, уларни ҳикматларга айланиб қолган йўриқномалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини

йўқотгани йўқ, аксинча, жуда ҳам асқотди. Табиатни муҳофаза қилиш ҳаётий заруратга айланиб қолди.

Она замин табиатнинг ажралмас бўлаги, шунинг учун аждодларимизнинг ерга меҳри ўзгача бўлган. Улар ерни улуг'лаганлар, асраб-авайлаб, эҳтиётлаганлар. Она-заминни эҳтиёт қилишда сирасор мўл-кўл, қаромат каттадир, чунки ер барча бойликларнинг асоси, бутун тирикликнинг ҳаёт манъбаидир.

«Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл

ни) мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушуномчи керак». Аждодларимизнинг Ватан ҳақидаги тушунчаси, мамлакатни тўғрисидаги билимлари кенг қамровли бўлган. Ватини, мамлакатни муқаддас билганлар, бутун ҳаётининг мазмуни деб англаганлар. Ўтмишдошларимизнинг юрт, Ватан бобида назарларидан ҳеч нима қочиб қутула олмаган. Улар заминнинг ҳар бир неъматини эъзозлаб, кўзларига тўтиб қилганлар. Гиёҳлардан тортиб, дов-дарахтларгача, тоғу тошдан азим дарёгача ҳамма-ҳам

ли, мазмуни бутун, тўлиқдир. Ҳикматлар гултожи дегинг келади. Ибратли томонлари сероб.

Ёки мана бу иқтибосга эътибор беринг, юзак қараганда аввалгиларига ўхшагандай туюлади. Аммо синчковлик билан қарасангиз, маъно тўлишиб, мазмундорлиги ошган.

«Эй, оламни яратган зот! Эй ҳақиқат!», — дейилган қимматли манъбада, — Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган шахс ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Спитама Зардушт!

У ҳаммадан кўп бугдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! у қуруқ ерларга сув чиқарган зотдир ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир». Ушбу жойда илоҳ яратувчининг қаромати қайд этилаёпти. Ахура-Мазда (Донишмандлик худоси маъносини англатиб, олий илоҳдир) барча эзгуликларнинг ҳимоячиси ҳисобланиб, одамзотга фақат яхшиликлар ҳада этади. Айни вақтда унинг кўрсатмалари бандалари учун вожибдир. У яратувчи, бунёд этувчидир. Одамзотни балолардан асрагучи балоғардондир.

«Авесто»нинг гувоҳлигича аждодларимизнинг эътиқоди мустаҳкам, соф, тоза, ҳалол бўлган. Уларнинг сўзлари билан амаллари бир бўлган. Таквони ҳаётларининг мазмуни деб билганлар.

«Такводор киши, — дейилган илоҳий китобда, — ўт-олови ва сут қатиғи, ичида хотини, болалари ва яхши чорваси бўлган, уй қурган жой — чиндан ҳам энг яхши жой. Бундай уйда чорва мўл, хотинлар мўл ва болалар мўл, ўт-олов мўл ва хилма-хил рўзгор буюмлари мўл бўлади. Ҳақиқатдан ҳам шундай жой — Спитама Зардушт (Зардуштийлик динининг пайғамбари) кўпроқ галла, ўт-олов, экин-тикин, мева-чева етиштириладиган, ҳаммадан ҳам кўпроқ чорва боқилдиган жой энг яхши жойдир».

Аждодларимизнинг эътиқоди ҳам ибратлидир. Ҳамма кут-барақа, барча бойликларнинг асоси такводорликда деб билганлар. Еру кўкнинг, ўт-олову, паррандаю-дарранда, дов-дарахту барча жонлию-жонсиз ҳамма нарсанинг яратувчиси Танграм деб билганлар ва унга ҳамиша содиқ қолган.

Умуман, «Авесто»даги атроф-муҳит, табиатни асраш борасидаги ибратли йўриқномалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, долзарблигича қоляпти. Ҳикматлар обидаси инсониятга бундан кейин ҳам беназир хизмат қилаверади.

Мусокул УСМОНОВ,
профессор.

Мозий

«АВЕСТО» ТАБИАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАҚИДА

билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстиқдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл-кўл мева-ларини тақдим этади». Ўхшатишга қара-нг, жуда ҳам топибди. Топқирлигида ибратли, маъно — мазмун сероб. Мана, «**У гўзал ва покиза қизга ўхшайди**» жумласига эътибор беринг, «қизга» деса ҳам бўларди-ку! Қиз ҳам бокиралик тимсоли, тозалик белгисику, ахир? Йўқ азизлар, аждодларимиз минг бор ҳақ, юз минг бор ҳақдир. Ана шу «қизликни» гўзаллик безайди, покизалик унга жило беради. Қайси томондан олиб қараманг, аждодларимизнинг ақли пешланганлиги, фаросати бакуватлигидан далолат беради. Уларнинг зехни ўткир, фикрлаш қобилиятлари чакмоддек ярқирайди. Бизлар уларнинг авлодлари бўлганимиздан фахрланамиз, завқ-шавққа тўлиб гурурланамиз. Муқаддас «Авесто»нинг қайси жумласини олманг, ундан маъно ва мазмун чакмоддек оқади, куёшдек порлайди. Мана, яна табаррук жумаларга эътибор беринг.

«Хар бир инсон, — дейилган буюк мажмуада, — ўзи ўсиб улғайган (замин-

масини Ватаннинг бир бўлаги деб қараганлар ва ниҳоятда ардоқлаганлар. «Авесто»нинг она юрт ҳақидаги ҳикматларини бот-бот ўқиб, донолардан бирининг «Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир» деган калималари кўз ўнгимдан ўтди, ёки шарқ мутафаккирларидан Махсуд Салмоннинг:

Ватанга нафи йўқ яшлаган ҳар кун,

Инсон ҳаётида қолур бемазмун,

деган муборак каломи ёдимга тушди. Ҳа, муқаддас китобнинг сирли томонлари сероб, киши ақлини шоширадиган томонлари мўл.

Атроф-муҳит, табиат шунчалик кўп марта қайд этилганки, қайсисини тинглашни ҳам билмай қолсан. Мана, яна табиат қуйланаёпти:

«Ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, — дейилган «Авесто»да, — сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Қаровсиз қолган ер эса, гўё турмуш қурмаган қиздай».

Ўт-ўланлар кўп бўлса, чорванг тўқ, мевали дарахтлар кишиларга озуқа ҳам малҳамдир.

Яхшиликлар ҳавони тозалайдиган хил-қат эканлиги ҳаммага маълум. Умуман, «Авесто»да бирорта ортиқча сўз, мақсадсиз жумла йўқ. Ҳамма-ҳаммаси ўрин-

Мулоҳаза

Оллоҳ таоло инсонни яратиб, унга ризқ-рўзини ҳам қўшиб беради. Яратганининг раҳмати буюклиги биз бандаларга туғилишимизданоқ она кўкрагига сўт бериб, ризқимизни бут қилганлигидандир. Аммо биз бандалар-чи? Шайтоннинг ҳирс-ҳавасига учиб, болани тайёр ризқидан қирқиб, қийнаб, қандайдир сохта сўтлар билан боқамиз. Буниси ҳам майли, яна бемехр бола кимга ўхшайдикин, — деб айбдор қидирамиз. Ваҳоланки, мехр ҳам она сўти орқали жигаргўшага сингмайдими? Албатта, бу қилмишларни парвардигорнинг ўзи кўриб, билиб туради ва вақти келиб жазосини ҳам ўзи беради...

ФАРЗАНД РИЗҚИ

— Ойи, ойижон уйдამисиз?

— Ҳа, қизим кел... И... сал секинроқ чик зинадан, тагин ҳомиланг лат емасин!..

Она-бола дийдор кўришишди. Умриниса опанинг уйи нурга тўлди, қизи Нозима таширф буюрганди-да. Бундан 6 ой аввал катта тўй-томоша билан куёвга уза-тишганди... Ҳомиласи бирам ярашган, юзига ҳам нур кирган-ди. Она-бола узоқ гаплашишди. Бирдан Нозима: «Ойи, мен туққанымдан кейин эмиз-майман», — деб қолди.

— Нега, вой ўлай қизим, ундай дема, яхши ният қил. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди. Тайёр сутга нима етсин, ундан кейин бола ҳам соғлом ўсади...


— Э, ойи, нималар деяпсиз? Эмизсам семириб кетаман-ку, кейин куёвингизга ёқмай қоламан. Хунук бўлиб юргунимча эмизмайман — тамом-вассалом!

— Қизим, ёшсанда, ёш. Соғлом юзлари ловуллаб турган аёлгина эрига ёқади. Касал бўлиб ётсанг ким сенга қарайди...

Онаизор қанча уринмасин қизи тушмагурни кўндиролмади. Туғруқ вақти ҳам етиб Нозиманинг кўзи ёриди. Аммо жуда-жуда қийналди. Бола 8 ойлик чала туғилди. Шифокорларнинг тез-

корлиги орқали болани сақлаб қолишди. Қиз экан... Ниҳоят чақалоқни уйга ҳам олиб келишди. Ҳамма хурсанд. Хонадон се-винчга, чақалоқ йиғисига тўлди. Нозима ўз айтганини қилиб чақалоқни эмизмади. Сунъий сут билан боқа бошлади. Эри «Нега эмизмайсан?» дея сўраса «Сутим йўқ», деб жавоб берди. Орадан 20 кун ўтди. Нозиманинг ҳарорати 40 даражага чиқиб, икки кўкраги лўқиллаб оғрий бошлади. Ўтиб кетар деб 3—4 кун пойлади. Аксинча, дард зўрайганидан зўрайди. Шифокорга мурожаат этишга мажбур бўлди. Шифокор кўкрак безлари шомоллаб ўтиб кетганлигини ва анчагина йиринг тўпланганини, зудлик билан кўкракни кесиш кераклигини айтди. Бир тахрибали шифокор игна орқали олса ҳам бўлади деб, бир ҳафта кўкракдан йиринг олди. Лекин буниси ҳам кор қилмади. Йиринг қайта тўпланаверди. Ва иккала кўкракни кесишга тўғри келди. Нозиманинг ўйламай қилган хатоси ўзининг касалманд аёлга айланишига сабаб бўлди. Унинг чеккан дард-азобини эса бошидан ўтказган одам билади... Нозима чеккан бу дард норасида гўдак ризқини қирққани учун бу дунёда унга берилган азоб эди...

Гўзал ОТАЖОНОВА.



Дугоналар.

Рустам Шарипов олган сурат-лавҳаси.

Маданият

ШАҲРИМИЗДА ~ БАЛЕТ ВА МОДА ЮЛДУЗЛАРИ

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйи яқинлашгани сари ушбу қутлуғ санага бағишланган турли-туман тadbирлар ташкил этилмоқда, халқимиз уни катта ижтимоий-иқтисодий ютуқлар билан қутиб олишга ҳаракат қилмоқда.

Чунончи, шу йилнинг сентябрь ойида шаҳримизда истиқлолимизнинг саккиз йиллигига бағишланган «Юқори мода ва балет» халқаро фестивалини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан республика Маданият вазирлигининг расмий тақлифига биноан шаҳримизда донғи оламга машҳур модельер Пьер Карден ўзининг ноёб кийим-кечақлар коллекцияси ҳамда балет оламининг маликаси Майя Плисецкая Рус империя балети билан шаҳримизга таширф буюришади. Фестивалга бағишлаб июль, август, сентябрь ойларидан бир қатор кўргазмалар, концертлар, замонавий ва миллий кийимларнинг намоиши-

лари ташкил этилади.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида «Юқори мода ва балет халқаро фестивали» дастурининг тақдиротида бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Пьер Карденнинг «Мода ва рақс» коллекциясининг намоиши ва Майя Плисецкая раҳбарлигидаги Рус империя балети юлдузларининг томошалари мустақил Ўзбекистон маданий ҳаётида улкан воқеа бўлишига шубҳа йўқ, — деди фестиваль ташкилотчиларидан бири бўлмиш «AL FALKON BEVERLI HILLS PRODUCTION» продюсерлик фирмаси вакили Александр Соколинский, — 25 сентябрда Ўтказиладиган ушбу тadbирда Пьер Карденнинг 18 нафар энг нуфузли моделлари. Империя балетининг ўн та балеринаси ўз маҳоратларини намоиш этишади. Шунингдек, Л. Лешченко, В. Винокур, М. Грушевская каби рус эстрадаси, Ф. Зокиров, М. Тошматов, К.


Раззоқова, Ю. Усмонова каби ўзбек эстрадаси юлдузлари ҳам ўз иштирокчилари билан юқори мода ва балет фестивалига фойз қиртадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу фестиваль доирасида 3 июль куни Навоий номидаги Давлат академик катта театрида 2 қисмли «Юқори мода ва балет бали» ташкил этилиб, «Энг яхши модельер» ва «Бал маликаси» номига сазовор бўлиш учун танлов ўтказилади, унда Д. Тен, А. Ибрагимова, М. Умарова, В. Шевченко каби ўзбекистонлик модельерлар ўзларининг тўй қўйлақлари, байрам либослари тўпламларини кўрсатишади, энг яхши балет усталари голиблик учун беллашади.

Халқаро фестивалга француз эстрадасининг юлдузлари Мирей Матье ва Карл Азнавурларни тақлиф этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Дамир ИСЛОМОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 «Ўзбектеlevision» намоиш
этиди: «Афсонавий Бухоро», «Ўзбе-
кистон дая аталур».
9.10 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.30 «Ўзлик». Бадий-публицистик
курсау.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилик-
лар.

Болаларнинг ёзи таътил
курларида:
10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.20 «Олтин тож». Телевизион
уйин.

10.40 Кундузги сеанс: «Оляга атал-
ган гуллар». Бадий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпани-
яси хор жамоасининг концерти.
12.40 «Оламга саяхат».
13.00 «Ҳамма кўриши шарт...эмас».
Муслиқ дам олиш дастури.
14.10 Болалар учун. «Доно бобо
даврасида».
14.30 «Куй ва тасвир».
14.50 А. Навоий. «Искандар».
А. Хидойтов номидаги Ўзбек Дав-
лат драма театрининг спектакли.
16.10 «Ўхшаш чекралар».
16.55 «Етгил камолга». Спорт дас-
тури.
17.15 «Созимда севги васфи».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 ЎзТВ экранда биринчи мар-
та «Денгиз итлари». Мультсериал.
1-серия.
18.35 «Сихат-саломатлик».
18.55 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Мувоозанат». Ахборот-таҳли-
лий курсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55,
22.50 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот» (рус тилида)
21.05 «Истиқлолим — истикбол».
21.25 «Қўшиқларимиз Сизга арму-
ғон». Муслиқ дастур.
22.00 «Қусто командасининг сув ости
саргузаштлари». Телесериал. 61
қисм.
22.55 «Маънавият» дастури.
23.55 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси на-
моиш этиди «Кунноқ учрашув».
Мультфильм.
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Муслиқ лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «О, ёшлигим».
19.50, 20.15, 23.15 Ўзлонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Те-
лесериал.
20.20 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.40 «Сиз севган хонанда: Илҳом-
хон Иброҳимов».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Душанбада кўришгунча».
21.50 «Маслаҳат».
22.20 «Эгиз қўшиқлар».
22.40 «Олам футбол».
23.00 «Шарқ эстрадаси».
23.20 Синема «Ойик денгизда» Ко-
медия.
00.55 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30. «Пойтах-
т». Информацион курсатув.
18.10 «Ерилош». Мульттуплам.
18.25 «Сен ҳақида ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жугрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлон-
лар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ойик дарс».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бумеранг».
21.45 «Бурч ва масъулият».
22.00 «Биз Сизга бахт тайлаимиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оханглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экранда.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-
НИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»
(инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».

16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука
Гримм эртақлари. «Кичик ука ва
сингли». 1-серия.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп
серияли бадий фильм.
18.05 Душанба кўни Познер билан.
«Биз» дастури.
19.00 Мисс Марпл «Викария уйдаги
қотиллик» детективида. 1-серия.

20.00 «Время».

20.35 «Кайсарлар ва довураклар».
Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот
курсауи.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Вақт хазинасидан».
22.00 «Вести».
22.30 Киносанс. «Севги формуласи».
Бадий фильм.
00.00 Клип антракт.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 Тунги сеанс. «Вельд». Бадий
фильм.
02.00 Тунингиз осуда бўлсин.

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар линияда
профиликтика.

15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хам-
кор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Муси-
қий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Те-
лежурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Те-
лесериал (Мексика).
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони.
18.25 «Ошиқона». Муслиқ дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان». Те-
лесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал» да киноқшом.
23.15 «Лом-мим демайдиган гувоҳ».
Детектив сериал (Англия).
24.00 «XL-music». Муслиқ-дам олиш
дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00 Маданият янгиликлари.
8.20, 16.00 — «Севги йўлида». Се-
риал.
9.20 «Мўъжизалар майдони».
10.20 «Инсон ва қонун».
11.00, 14.00, 17.00, 00.10 — Янгилик-
лар.
11.15 Ёзги кинотеатр. «Парижга қа-
раган дераза» комедияси.
13.20 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Комик се-
риал.
14.45 Мультсериал.
14.55 «Олдузли онлар».
15.30 «...16 ёшгача ва ундан катта-
лар».
17.15 Севги ва тож «Графиня де
Монсоро» кўп серияли фильмида.
18.15 Душанба кўни Познер билан.
«Биз» дастури.
19.00 Мисс Марпл «Викарий хонадо-
нидаги қотиллик» детективида. 1-се-
рия.
20.00 «Время».
20.40 «Қор-қора осмон» триллерда-
ги муғлақо махфий хужжатлар.
22.20 «Ного».
23.00 Футбол шарҳи.
23.35 Кино чизиги. Александр Соку-
ровнинг «Амалдан тушган» фильми.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!»
6.20 «Хамманинг оғзида».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Те-
леуин.
8.15, 22.45 «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 —
«Вести».
10.35 «Кичик дайди». Болалар учун
телесериал.
11.30 «Кўзгу».
12.30 Мультфильмлар.
12.45, 15.15 — «Муслиқ, муслиқ...»
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.25 «Бойлар ва машхурлар». Теле-
сериал.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесе-
риал.
16.30 «Минора».
17.05 «Гомеопатия ва саломатлик».
17.15 Анастасия Вертинская, Игорь
Костюковский «Номсиз юлдуз» ро-
мантик мелодрамасида. 1-серия.
18.30 «Лаббай, жаноб вазир!». Теле-
сериал.
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 «Бир боқишда муҳаббат».
20.20 Леонид Куравлев, Вячеслав Ти-
хонен, Евгений Весник, Ролан Биков
«Кўча бўйлаб комод билан» комедия-
сида.
21.40 «Ақуна матата».
23.40 «Рус лотоси».

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.15, 00.40 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-
6».
10.10, 01.05 — «Кимки...»
10.25 «Олдузлар юлдузлар ҳақида».
«На-на» гуруҳи.
10.50, 13.45, 15.55, 16.20 — «Хари-
дингиз учун ташаққур!» теледўқони.
11.00 «Обозреватель» таҳлилий кўр-
сатуви.
12.10 «Хафта моҳаролари».
12.15 «Обоз».
13.25, 17.30 — Мультфильм.
16.10, 01.50 — «Сифат белгиси».
16.40 «Шаддод Роза». Сериал.
17.55 Ўсмирлар учун сериал. «Тайёр-
мисиз ёки йўқ?»
18.25, 01.20 — «Диск-канал».
19.30 «Оловдаги Грейс-II». Ҳажвий
сериал.
19.55 «Шаҳара-2. Колби оиласи». Се-
риал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Президент пойгаси». Халқ сий-
сий уйинлари.
22.30 «Одамлар оламида».
23.00 ТВ-6 кинотеатри. Эм. Ж. Фокс
«Бўри боласи» фильмида.
00.55 «Шу куннинг олти янгилиги».

СЕШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шар-
ҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 «Қусто командасининг сув ости
саргузаштлари». Телесериал. 61-қис-
м.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилик-
лар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Маънавият» дастури.

Болаларнинг ёзи таътил
курларида:

11.25 «Шумтакалар». Мультсе-
риал.
11.40 «Мактублар қабутларлар».
12.05 Кундузги сеанс: «Кўк қуш». Ба-
дий фильм.
13.45 «Кичкинтойимиз — гижинг-
тойимиз».
14.10 С. Сирожиiddинов. «Хаёт эшик
ортида». Ҳамза номидаги Ўзбек Дав-
лат академик драма театрининг спек-
такли.
15.25 «Денгиз итлари». Мультсериал.
1-серия.
15.50 «Олам қўшиққа тўлсин». Муси-
қий дастур.
16.20 «Ошиқ Ғариб». Бадий фильм.
17.35 «Спорт-клуб».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 ЎзТВ экранда биринчи мар-
та «Денгиз итлари». Мультсериал. 2-
серия.
18.35 «Хўнавманд». Тележурнал.
18.50 «Шу Ватанга бордур менинг
керагим».
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50
ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Фасли ёз». Кинолаваҳа.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон XXI асрга интил-
моқда».
21.20 «Санъатим-саодатим». Муслиқий
дастури.
21.55 «Ўзбектеlevision» намоиш
этиди: «Қабоҳатга қўйилган тузоқ».
Видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.40 «Ўзликнинг намоён қил!» Экран-
да — Сиддирё вилотти.
23.15 «Ахборот».
23.45 «Қушқондан чиққанда». Ба-
дий фильм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Қусто командасининг сув ости
саргузаштлари». Телесериал. 61-қисм.
18.55 «Муслиқ лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50, 20.45, 23.20 Ўзлонлар.
19.55 «Ёшлар» телеканалда намоиш
этиди. «Дон Кихот».
Кўп қисм телевидион бадий
фильм.
20.50 «Сарвиноз». Муслиқий дастур.
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни қўлайман».
21.35 «Ёшлар» телеканалда.
21.40 «Парламент».
21.50 «Қамолот». Жиззах вилотидан
тайёрланди.
22.10 «Муслиқ лаҳзалар».
22.20 «Дунёга йўл».
22.40 «Мунисам».
23.00 «Премьерадан сўнг».
23.25 Синема. «3 қисмдан иборат қо-
тилик». Детектив.
01.00 «Янги тонг».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30. «Пойтахт».
Информацион курсатув.
18.10 «Ерилош». Мульттуплам.
18.25 «Сен ҳақида ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жугрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон мустақиллигининг 8
йиллигига. «Ёшлар ҳудуди» «Умид» та-
лабабаларининг Японияда таҳсил
олаётгани ҳақида.
20.20 Телелаваҳа.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.45 «Туризм ҳақида» ҳафталик ша-
рҳ.
22.15 «Сухбатдош».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 «Спорт оламида».
24.00 Оханглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ.
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-
СИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»
(инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».

16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Жонли сайёра».

17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп се-
риали бадий фильм.

18.15 «Спорт-клуб».
18.30 «Мультчархпалак». Ака-ука Грим-
м эртақлари. «Кичик ука ва сингли».
2-серия.
18.45 «Уорлднет» янгиликлари.
18.55 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
19.00 Мисс Марпл «Викария уйдаги
қотиллик» детективида. 2-серия.
20.00 «Время».

20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот
курсауи.
21.30 «ТВ-4» да «Немис тўлкини».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Ким ва қан-
дай». Бадий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 Тунги сеанс.
02.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Муслиқий тонг». Муслиқий-дам
олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 —
«ТВ-хамкор», «Метеохабар».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Ким ва қан-
дай». Бадий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 Тунги сеанс.
02.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Те-
лесериал (Мексика).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Муслиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Те-
лежурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Те-
лесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони.
18.25 «Ошиқона». Муслиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان». Те-
лесериал.
19.25 «Висол». Муслиқий дастур.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал» да киноқшом.
23.15 «Лол-мим демайдиган гувоҳ».
Детектив сериал.
24.00 «Муслиқий вернисаж». Муслиқий-
дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.55 — Ян-
гиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Се-
риал.
9.15 Евгений Петросянин «Кулги
панорамаси».
9.50 «Хонаки кутубхона».
10.00 «Самовий урушлар». Саргуза-
шт сериал премьераси.
11.15 «Аралаш-қуралаш» журналида-
ги қувноқ воқеалар.
11.35 «Сихат-саломатлик».
12.00 «Гаровга қўйилган ҳаёт». Се-
риал.
13.00 Мультсериал.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Комик се-
риал.
14.45 «Бахтли тасодиф».
15.30 «...16 ёшгача ва ундан катта-
лар».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп се-
риали фильм.
18.15 Бу қандай содир бўлган эди?
«Василий Сталиннинг ҳаёти ва ўли-
ми».
19.00 Мисс Марпл «Викарий хонадо-
нидаги қотиллик» детективида. 2-се-
рия.
20.00 «Время».
20.40 «Аммо...»
20.50 Анатолий Папанов «Бирга бир»
комедиясида.
22.35 Наталья Бондарчук Андрей Ма-
каревичнинг «Абажур» дастурида.
23.05 «Қор-қора осмон». Сериал
премьераси. 1-серия.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!»
6.20 «Хамманинг оғзида».
6.35 «Хавфсиз йўл».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Те-
леуин.
8.15, 23.00 — «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.15 —
«Вести».
10.35 «Кичик дайди». Болалар учун
телесериал.
11.30 «Менинг оилам».
12.30 Мультфильмлар.
12.45, 15.15 — «Муслиқ, муслиқ...»
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.20 «Бойлар ва машхурлар». Теле-
сериал.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесе-
риал.
16.30 «Минора».
17.05 «Гомеопатия ва саломатлик».
17.15 «Номсиз юлдуз». Мелодрама.
2-серия.
18.30 «Лаббай, жаноб вазир!». Теле-
сериал.
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 «Аншлаш» таништиради.
20.20 Любовь Полищук, Сергей Ни-
коноенко ва Олег Табаков «Кечира ол-
санг, кечир» мелодрамасида.
21.55 «Урмас Отт Татьяна Тарасова
билан».

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.20, 00.45 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 —
«ТСН-6».
10.10, 01.05 — «Кимки...»
10.25 «Бис». Ҳажвий курсатув.
10.50, 11.50, 13.50, 16.30 — «Хари-
дингиз учун ташаққур!» теледўқони.
11.00, 19.55 — «Шаҳара-2. Колби ои-
ласи». Сериал.
12.10 ТВ-6 кинотеатри. «Олов ора-
сида» жангари фильми.
16.10, 02.20 — «Сифат белгиси».
16.20 «Анжелика Эффининг ажойиб-
ботлар олами».
16.40 «Шаддод Роза». Сериал.
17.10, 17.30 — Мультфильмлар.
17.55 Ўсмирлар учун сериал. «Тайёр-
мисиз ёки йўқ?»
18.25, 01.20 — «Диск-канал».
19.30, 02.30 — «Оловдаги Грейс-II».
Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Мистер Биг». Ҳажвий сериал.
22.30 «Одамлар оламида».
23.00 ТВ-6 кинотеатри. «Бўри бола-
си-II».
01.00 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.55 «Қизил туғлиқа қундаликлари».
Сериал.

ЧОРШАНБА 7

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шар-
ҳи.
8.45 «Бир наво истар кўнгил». Муси-
қий дастур.
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий
курсауи.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилик-
лар.
10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.25 Абитурientлар Сизлар учун.
Адабиёт.
10.45 «Меҳриғи».
11.00 Абитурientлар Сизлар учун.
Кимё.

Болаларнинг ёзи таътил
курларида:

11.20 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.35 «Қувноқлар даврасида»
12.05 «Шоирлар болаларга».

12.30 «Ўзбектеlevision» намоиш
этиди: «Қабоҳатга қўйилган тузоқ».
Видеофильм премьераси. 1-қисм.
13.15 «Қишлоқ стадионларида».
13.35 Ўзбек қўйларидан концерт.
14.10 «Озод юрт одамлари».
14.30 «Ақл ёшдамас».
14.45 «Кекса санъаткорлар». Ориф
Қосимов.
15.15 «Денгиз итлари». Мультсериал.
2-серия.
15.40 «Бинафша».
16.00 «Онтарио соҳилида бўлган во-
қеа». Бадий фильм.
17.35 «Жаҳон спорти».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 ЎзТВ экранда биринчи мар-
та «Денгиз итлари». Мультсериал. 3-
серия.
18.35 «Фермер». Телетанлов.
19.00 «Эл тинчилиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дас-
тури амалда».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Ер ва диёр мадҳи». Муслиқий
дастури.
22.05 «Ўзбектеlevision» намоиш
этиди: «Қабоҳатга қўйилган тузоқ».
Видеофильм премьераси. 2-қисм.

«Тунги хамроҳ».
22.50 «Ғазалхон ёшлигим».
23.10 «Қулгу терапия».
23.40 «Ахборот».
00.10 «Қусто командасининг сув ости
саргузаштлари». Телесериал. 62-
қисм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси на-
моиш этиди («Сўрт майдончаси».
«Уйна болажон, уйна».<

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

18.35 «Ифтихор».
18.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Назм ва наво». Оғаҳий лирикаси.
22.20 «Оила». Тележурнал.
22.45 «Сомон йўли».
23.15 «Битик».
23.35 «Ахборот».
00.05 «Эркакли уй». Бадий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал. 62-қисм.
18.50 «Мусликий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.50, 20.40, 23.00 Эълонлар.
19.55 «Дон Кихот». Кўп қисмли телевизион бадий фильм.
20.45 «Давр»-интервью.
20.55 «Мусликий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Эшлар» телеканалда.
21.35 «Юлдузлар олами». Илҳом Фармонов.
21.55 «Ёшлик формуласи».
22.10 «Мугтойба».
22.30 «Одамлар орасида».
23.05 Синема. «Маъбудлар тегирмони». 2-қисм.
00.30 «Спорт-қўйғаси».
01.00 «Хайрли тун!»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30. «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ерилош». Мультипуплам.
18.25 «Жаҳон жўрофияси».
19.15 Мусликий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Еш солиқ назоратчилари». Телетанлов.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армугон». Мусликий дастур.
21.45 «Ханда дўқони».
22.15 «Мусаввир». Телефильм.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оханглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Интернет ҳудуди».

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

17.00 Мультичархалак. Ака-ука Гримм эртақлари. «Едирилган поёфзаллар». 2-серия.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадий фильм.
18.15 «Эслашлари учун...». Люсьена Овчинникова. Кўрсатуви Л. Филатов олиб боради.
19.00 Мисс Марпл «Бертрам мехмонхонаси» детективида. 2-серия.
20.00 «Время».

20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН-шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. Алек Болдуин. «Соё» фильмида.
00.20 «Ахборот» (рус тилида).
00.45 Тунги сеанс. «Клиника». Бадий фильм.
02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликий тонг». Мусликий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чехралар» Мусликий-дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объектида хайвонлар». Хужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Сериал.
17.25 «VIP» студиясининг мехмони.
18.25 «Ошиқона». Мусликий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал» да киноқошом.
23.15 «Лом-ним демайдиган гувоҳ». Детектив сериал.
24.00 «Дустлар даврасида». Мусликий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.50 — Янгиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Жентльмен-шоу».
9.50 «Хонаки кутубхона».
10.00 «Самовий урушлар». Саргузашт сериал.
11.15 «Хайрли кун!».
12.00 «Гаровга қўйилган ҳаёт». Сериал.
13.00 Мультисериал.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Комик сериал.
14.45 «Сехрли олам ёки Синема».
15.00 «Сезам кўчаси».

15.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли фильм.
18.15 «Эслашлари учун...» Люсьена Овчинникова. Кўрсатуви Л. Филатов олиб боради.
19.00 Мисс Марпл «Бертрам мехмонхонаси» детективида. 2-серия.
20.00 «Время».
20.40 «Аммо...».
20.50 Надежда Румянцева ва Люсьена Овчинникова «Қизлар» фильмида.
22.35 Елена Образцова «Осойишта уй» дастурида.
23.05 «Қоп-қора осмон». Сериал. 3-серия.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!»
6.20 «Хамманинг оғзида».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Телеуёин.
8.15, 22.35 — «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50 — «Вести».
10.35 «Кичик дайди». Болалар учун телесериал.
11.30 «Менинг оилам».
12.30 Мультифильмлар.
12.45, 15.15 — «Муслика, муслика...».
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.20 «Бойлар ва машхурлар». Телесериал.
15.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
16.55 Футбол. Россия чемпионати. «Алани» (Владикавказ) — «Зенит» (Санкт-Петербург). Владикавказдан олиб кўрсатилади.
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 «Икки рояль».
20.30 Агата Кристи. Пуаро. «Богингда нима усаётти?» Бадий фильм (Буюк Британия).
21.40 «Иш қўрилмоқда». Маслаҳатчиларнинг телевизион суд мажлиси.
23.30 Балиқ ови ҳақида мулоқотлар.

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.20, 23.50 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 00.10 — «Кимки...»
10.15 «Сиз — шохидис».
10.50, 11.50, 13.45, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўқони.
11.00, 19.55 — «Шаҳара-II. Колби оиласи». Сериал.
12.10 «Найтмен». Сериал.
12.55 «Қотил даъвати». Сериал.
16.10, 01.25 — «Сифат белгиси».
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.30 Мультифильм.
17.55 Усмиллар учун сериал. «Тайёрмисиз ёки йўқ?»
18.25, 00.25 — «Диск-канал».
19.30, 01.35 — «Оловдаги Грейс-II». Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «ОСП-студия».
22.25 «Одамлар оламида».
22.55 «Вавилон-5». Сериал.
24.00 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.00 «Қизил туфлича кундаликлари». Сериал.

ЖУМА, 9

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

8.45 «Янгра, дутор танбури». Мусликий дастур.
9.05 «Турон қизлари». Спорт дастури.
9.25 «Ҳаёт чашмалари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кодекс».

Умум кўрсатувлари:
10.25 Абитуриентлар, Сизлар учун. Физика.
10.45 Немис тили.
11.10 Абитуриентлар Сизлар учун. Биология.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.30 «Шумтақалар». Мультисериал.
11.45 «Ватан учун тикилган жон». Композиция.
12.05 Кундузги сеанс: «Курьер». Бадий фильм.
13.35 Шарқ тароналари.
14.10 «Сомон йўли».
14.40 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
15.15 «Денгиз итлари». Мультисериал. 4-серия.
15.40 «Бу ажиб дунё».
15.55 «Оцеола». Бадий фильм.
17.30 «Истеъдо». Мусликий дастур.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 ЎЗТВ экранда биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультисериал. 5-серия.
18.35 «Ғаролик ҳамияти сари».
18.50 «Аёл олам чароғи».
19.05 «Ислохот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 22.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қонун ва биз».
21.30 «Қўшиққа кўнган сатрлар». Ш. Салимова.
22.05 «Баркамол авлод орузи».
22.35 «Кинонинг минг бир олами». Киноқўрсатув.
23.00 «Ахборот».
23.30 «Қўнчалар». Бадий фильм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», «Болалар дам олиш масканларида»)
18.30 «Қизим, сенга айтаман».
18.50 «Мусликий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ».
19.45, 20.35, 23.00 Эълонлар.

19.50 «Дон Кихот». Кўп қисмли телевизион бадий фильм.
20.40 «Саломат, бўлинг!». 2-кўрсатув.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Эшлар» телеканалда.
21.35 «Хуқуқ ва бурч».
21.50 «Шоҳида Шоҳимардонованинг янги қўшиқлари».
22.00 «Эшлар» телеканали такдим этади: Ислон Каримов. «Хушёрликка даъват».
22.20 «Қалбим ардоғи». Мусликий дастур.
22.30 «Автосалтанат».
22.45 «Жаҳон эстрада».
23.05 Синема. «Амистат».
01.30 «Мунаввар тонг истаб».

ЎЗТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилош». Мультипуплам.
9.20 Кўнгул тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 Туризм ҳақида.
11.40 «Фаровонлик бекати».
12.05 «Кўзгу». Тележурнал.
12.30 «Қулишни унутманг».
12.45 «Ханда дўқони».
13.10 Кинонигоҳ.
14.50 «Олтин ноҳун». Т. Алиматов. 1-кўрсатув.
15.20 «Эшлар ҳудуди».
15.50-16.00 «Пойтахт» информацион кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30. «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ерилош». Мультипуплам.
18.25 «Жаҳон жўрофияси».
19.10 «Қулишни унутманг».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Тафсилотлар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомиди».
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 Катталар учун эртақ.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Тунчироқ.
00.25 Оханглар ва эълонлар.
00.30 Кинонигоҳ.
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «ТВ-4» да «Немис тўлқини».

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

17.00 «СНН-шоу».

17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадий фильм.

18.15 «Вакт хазинасида».
18.30 «Мультичархалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Биллур шар». 1-серия.

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».

20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дударшан».
22.00 «Вести».

22.30 Кинонинг олтин асри. «Фанфан». Бадий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 Тунги сеанс. «Ҳаёт ташвишлари». Бадий фильм.
01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликий тонг». Мусликий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол». Мусликий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Сериал.
17.35 «VIP» студиясининг мехмони.
18.25 «Ошиқона». Мусликий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал» да киноқошом.
23.15 «Лом-ним демайдиган гувоҳ». Детектив сериал.
24.00 «Бедорлик».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.10 — Янгиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Маски-шоу».
9.40 «Смак».
10.00 «Самовий урушлар». Саргузашт сериал.
11.15 «Хайрли кун!».
12.00 «Гаровга қўйилган ҳаёт». Сериал.
13.00 Мультисеанс.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Комик сериал.
14.40 «Экваторлик йўловчи». Саргузашт фильм.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли фильм.
18.15 Хужжатли детектив. «Ўзимизники ёки душман? Лубянкадаги жанжал». 1985 йилги иш.
18.45 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кўнвоқ воқеалар.
19.00 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.40 «Аммо...»
20.50 Буюк изқуварлар. Коломбо «Жинойнинг бир учи» детективида.
22.15 Ирина Дерюгина «Хотин-қизлар

билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
22.45 Тунги кинозал. «Викинг қасоси». Тарихий жангари фильм.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!»
6.20 «Хамманинг оғзида».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Телеуёин.
7.15 «Минг бир кун».
8.15, 22.25 — «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 — «Вести».
10.35 «Кичик дайди». Болалар учун телесериал.
11.30 «Менинг оилам».
12.45, 15.20 — «Муслика, муслика...»
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.20 «Бойлар ва машхурлар». Телесериал.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
17.00 Мультифильм.
17.05 «Гомеопатия ва саломатлик».
17.15 «Олтин мина» детективи. 2-серия.
18.35 «Дўстлик спартакиадаси».
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 «Шаҳарча». Дам олиш дастури.
20.20 Изабелла Росселини, Том Конти ва Александр Абдулов Джорджо Феррарининг «Венециянинг камал қилиниши» комедиясида (Италия — Россия).
21.50 «Подийум д.Арт».
23.20 «Адакат кучи» криминал драмаси (АҚШ).

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.20, 00.55 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 01.20 — «Кимки...»
10.25 «СВ-шоу».
10.50, 11.45, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўқони.
11.00 «Шаҳара-II. Колби оиласи». Сериал.
12.10 Бизнинг муслика «Кинотавр»да.
13.15 «Вавилон-5» Сериал.
16.10 «Сифат белгиси».
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.30 Мультифильм.
17.55 Усмиллар учун сериал. «Тайёрмисиз ёки йўқ?»
18.25 «Диск-канал».
19.30, 02.40 — «Оловдаги Грейс-II». Ҳажвий сериал.
19.55 «Бенни Хил шоуси».
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Ҳафта моҳжарлари».
21.55 «Обоз».
22.50 ТВ-6 кинотеатри. Матт Дилон, Лесли Хоуп «Канзас» жангари фильмида.
01.10 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.50 Радио-хит.

ШАНБА, 10

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Муслика бўстони». Телеальманах.
9.15 «Хидоят сари».
9.40 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
10.00 «Қамолот сари».
10.20 «Телевизион миниатюралар театри».

«Умид» намойиш этади:

10.55 «Кўзгу».
11.25 «Орзулар қанотида».
11.45 «Уйла, Изла, Топ». Телемусобада.
12.20 «Маҳорат».

12.40 Кундузги сеанс: «Пилигрим кемазининг капитани». Бадий фильм.
14.10 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.45 Эстрада тароналари.
15.15 «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».
15.35 «Денгиз итлари». Мультисериал. 5-серия.
16.00 «Умрбоқий мерос».
16.20 «Ёшлик формуласи».
16.35 «Мозийдан бир мўъжиза».
16.50 «Орзулар камалаги». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Пламинго».
18.25 «Итисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, 22.05 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртақлари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Мехр қолур, муҳаббат қолур». Мусликий дастур.
22.10 Футбол майдонларида.
22.40 «Келин-куёв». Телешоу.
23.35 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
00.05 «Мусликий саҳнат».
00.25 «Мавлюдиннинг боши учун беш минг сўм». Бадий фильм.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 61-қисм.
10.40 «Эшлар» телеканалда.
10.45 «Сурур». Мусликий дастур.
10.55 «Дилбарим».
11.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.35 «Ракурс».
11.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятдан».
12.00 «Ёзги таътил». «Қизил қор ёқанда». Бадий фильм.
13.10 «Янги овоз: Абдулатиф Жонкулов».
13.20 «Мугтойба».

13.40 «Рамаяна». Телесериал.
14.15 «Соғлом авлод учун».
14.25 «Мафтуноқ чехралар».
14.55 «Тарзан». Телесериал.
15.35 «Рақслар қанотида».
15.55 «Кўнгул кўнгулга пайванд».
16.25 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».


18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазиаси», Мультифильм).
18.30 «Эски альбомдан».
18.35 «Равнак».
18.50 «Мусликий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Эшлар» телеканалда.
19.35 «Мабутот».
19.50, 20.30, 23.15 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бахс, мунозара, таҳлил».
20.55 «Мусликий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастур.
21.30 «Эшлар» телеканалда.
21.35 Ўзбекистон тадбиркорларининг ёзги форуми.
22.35 «Қутилмаган мехмон».
22.55 Муслика теграсида.
23.20 Синема. «Марҳум сирлари».
00.55 «Шарқ тароналари».
01.15 «Хайрли тун!»

ЎЗТВ III

08.55 Кўрсатувлар дастури.
09.00 «ПОЙТАХТ ТОНГИ».
09.30 Соғлом бўлай десангиз.
09.40 Болалар учун. «Халфана».
09.55 Табиат шифохонаси.
10.10 Болажонлар экрани.
10.50 «Мовий қуш». Телефильм.
12.20 «Рақслар жилоси».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Ибрат».
14.00 «Жума оқшомиди» (такрор).
14.25 «Ёввойи табиат».
15.15 «Дўстлик» видеоканали. «Дида».
16.00 Кинонигоҳ.
17.40 «Жозиб».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30. «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ерилош». Мультипуплам.
18.15 Яхши, ёмон йигитлар. Телесериал.
19.05 «Мисли гаҳлар» (такрор).
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



(Охири.
Боши 4-5-бетларда).

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус».)
18.25 «Якшанба болаларга».
18.40 «Тилсим».
18.55 «Мусликий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Очун». Буюк Ипак йўлларида.
19.50, 20.30, 23.30 Ёшларлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Дунё ҳафта ичида».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ешлар» телеканалида.
21.35 XXI аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар курик танлови.

23.00 «Спорт дастури»
1. «Спорт ҳафтаноми».
2. «Миллионлар уйини».
23.35 Синема.
01.05 «Тонг юлдузи».

ЎЗТВ III

08.55 Кўрсатувлар дастури.
09.00 «ПОЙТАХТ ТОНГИ».
09.30 Соғлом бўлай десангиз.
09.40 «Камертон» (такрор).
10.00 Болаларлар экрани.
11.30 Р. Маъдиев, Б. Умиджонов.
«Оқибат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусликий театр спектакли.
13.30 «Хусусийлаштириш: қадам-ба-қадам».
13.50 «Бева Бланка». Телесериал.
14.35 «Тошкент оқшони». Телешоу (такрор).
15.10 Спорт оламида.
15.25 «Гиннес-шоу».
15.55 Такрорий фильмлар экрани.
17.35 Дилором наволар.

17.55 ТВ-хамроҳ.
18.10 «Ёрилтош». Мулътўғлам.
18.35 «Камолот сари».
19.05 Табриқлаймиз кутлаймиз.
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшларлар.
19.30 «Тахлилнома».
20.05 «Ибрат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 ТВ-хамроҳ.
21.30 «Пойтахтимиз жамоли».
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 ТАСАННО.
23.20 «Тунги Пойтахт». Дам олиш курсатуви.
23.50 Оҳанглр ва ёшларлар.
24.00 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртақларнинг сехрли олами».
10.25 «Парле ву франсэ?»
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 Кинематограф. «Бадди». Баддий фильм.
12.20 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
12.30-13.15 «Дўстлик» видеоканал.
«Рангинкамон», «Маврид».

16.00-16.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 Россия жамоат телевидениесининг концерт дастурида эстрада юлдузлари.

18.25 «Тенгдошлар».
18.45 «Музик-холл».
19.05 «Бу ажиб дунё».
19.20 «Ассалом, Франция!»
19.45 «Интернет» худуди.

Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.35 Жаҳон киноси. Денни Де Вито ва америка асираси. «Қаҳри қаттиқ одамлар» комедиясида.

22.15 «Кинопрофи».
22.35 Лаки-Страйк намойиш этади.
«Уолл-стрит».
00.35 «Тахлилнома» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликий тонг». Мусликий-дам

олиш дастури.
9.25, 13.45, 18.00, 19.50, 00.20 —
«ТВ-хамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.30 Болалар учун фильм.
11.35 «Клип-совга».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «30-канал»-да премьераси: «ТВ 101». Ешлар учун сериал (АҚШ).
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Брейн-ринг». Интеллектуал уйин.
17.35 Мусликий дастур.
18.30 «Висол». Мусликий дастур.
19.00 «Омерта ёки сукут саклаш кодекси». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»-да якшанба киноқошони.
23.15 «Мак Гайвер». Саргузашт сериал (АҚШ).
24.00 «Бозор». Видеомада.

РЖТ

7.00 «Ханжар». Саргузашт фильм.
8.30, 15.35, 16.00 — «Дисней-клуб».
9.00, 14.00 — Янгиликлар.
9.15 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган кайдлари».
9.30 «Хамма уйдалигида».
10.05 «Тонг юлдузи».
10.55 «Армия дўкони».
11.30 «Янгра, гармон!».
11.55 «Дехқон ахборотномалари».
12.30 «Кусто командасининг барча саёхатлари». Сериал.
13.25 Евгений Петросяниннинг «Кулги панорамаси».
14.15 «Сихат-саломатлик».
14.45 «Саёхатчилар клуби».
16.25 «Ажойиб кишилар ҳаёти». Махмуд Эсамбоев.

17.00 Россия жамоат телевидениесининг концерт дастурида эстрада юлдузлари.

18.25 Ёзги кинотеатр. Ота ва ўғил Еременколар «Ўғил ота учун» жангари фильмида.
20.00 «Время».
20.35 Жаҳон киноси. Денни Де Вито ва америкалик асираси «Қаҳри қаттиқ одамлар» комедиясида.
22.15 Николай Добронравов Андрей Макаревичнинг «Абажур» дастурида.
22.50 «Стивен Кингнинг олтинга тенг иллари». Сериал.

РАТ

7.00, 12.45, 18.45 — Мулътфильмлар.
7.30 «Ватанимга хизмат қиламан!»
8.00 «Қишлоқ хабарлари».
8.30 «РДТ почтаси».
9.00 «Хайрли тонг, юртим!»
9.30 «Аншлаб» таништилади.
10.00 «Шаҳарча». Дам олиш дастури.
10.30 «Бола тилидан». Телеуйин.
11.00 «Рус лотоси».
11.40 «Китоблар олами» Леонид Куравлев билан.
12.00 «Тарзан. Саргузаштлар тарихи».
«Тарзан ва унинг иблиси».
13.00 «Вести».
13.30 «Федерация».
14.10 «Саломатликка». Ток-шоу.
15.10 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
16.05 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
17.05 «Оилавий альбом». Михаил Таниннинг концерти.
19.25 Дмитрий Харатьян, Марина Зудина, Лия Ахеджакова ва Леонид Куравлев «Чехра» мелодрамасида.

21.00 «Кўзгу».
21.55 «К-2» таништилади.
22.50 «Навбатчи қисм».
23.20 «К-2» кинозали. Джон Гил-гуд Анджей Вайданинг «Дирижёр» фильмида (Польша).

ТВ-6

9.15, 19.30 — «Йўл назорати».
9.20, 15.10 — Мулътфильмлар.
9.45 «Марко Поло». Сериал.
10.35 «Робин Гуд». Сериал.
11.30 «Диск-канал».
12.00 «Мазаси оғзингда қолади» курсатуви.
12.30 «Канон».
13.00 «Хафтанинг олти янгилиги».
13.25, 15.25 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
13.40 ТВ-6 кинотеатри. «Бўриот ҳақида афсона».
16.35 ТВ-6 кинотеатри. М. Неелова, Н. Андреев, Л. Куравлев «Хонимлар йигитларни тақлиф этадилар» мелодрамасида.
16.55 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида» «А-Студио» гуруҳи.
17.20 «Севсанг — қара». Видеокиллерлар.
17.35 «Президент пойғалари». Халқ сийёсий уйинлари.
18.35 «Хафта ҳалокатлари».
19.50 «Бис». Ҳажвий курсатув.
20.25 «Сиз — шохидсиз».
20.55 «Обозреватель» тахлилий курсатуви.
21.50 ТВ-6 кинотеатри. Роджер Мур «Олов, муз ва динамит» комедия-жангари фильмида.
23.45 Бизнинг муслика «Кинотеатр»да.
01.05 — 02.40 Тунги сеанс. «Соялар уйини».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Иссиққўлда дам олиш!

«Дилором» пансионати (оромгоҳи)

Чолпон-Ота шаҳрининг ёнида хушманзара ярим оролда жойлашган.

Пляж яқинидаги 2-4 ўринли коттежларда яшаш учун барча имкониятлар бор. Спорт майдонлари, дискотека, видеосалон, чойхона ва барлар дам олувчилар ихтиёридадир. Дам олувчилар кунига 3 маҳал овқат билан таъминланади. Улар учун Иссиққўлнинг хушманзара тоғларига саёхатлар уюштирилади.

Пансионат (оромгоҳ) 20 июндан 10 сентябргача дам олувчиларни қабул қилади.

12 кунлик йўлланма нархи 30200 сўм.

«Мерседес» шинам ва қулай автобусида йўлқира ҳақи ҳам киради.

Тўловларни нақд пул орқали ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали амалга ошириш мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67, «Асака» банкнинг касаба уюшма кўмитаси.
Тел: 120-82-20, 120-82-56.

КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятига қарашли Тошкент чўтка ва картон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўкув комбинати

- пахта саноатида ишлатиладиган чўткаларни;
- бугдой тозалашда ишлатиладиган чўткаларни;
- оёқ ва кийим чўткаларни;
- ҳужжатлар учун жилдлар (скорошиватель);
- қоғозлар учун папкаларни;
- картон маҳсулотларини пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Шунингдек, турли ҳажм ва шаклдаги картон маҳсулотлари учун ҳамда исталган шаклдаги чўтка маҳсулотларини тайёрлаб бериш мақсадида буюртмалар

КАБУЛ ҚИЛАДИ

Бизнинг маҳсулотларимиз бошқаларникидан анча арзон. Азиз корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар, барчангизни ишлаб чиқариш борасида ҳамкорликка қақирамиз.

Мулоқот учун телефон: 90-88-33, факс: 90-86-37
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мунис кўчаси, 10-уй.
(мўлжал 3-такси саройи).

ОАЖ «Юнусобод бозори» 1999 йил 19 июль соат 11.00 да Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлигининг мажлислар залида 1999 йил ярим йиллик яқунлар бўйича навбатдан ташқари мажлис ўткази.

Кун тартибида:

1. Жамиятнинг 1999 йил ярим йиллик ҳисоботи.
2. Жамият акционерларига дивиденд тўловларини ярим йиллик якуни бўйича амалга ошириш ҳақида.
3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 257 қарорига илова қилинган бозорларнинг иқтисодий тақсимооти бўйича, бозор иш фаолиятини шакллантириш.
4. Жамиятнинг ишчи ходимларига ҳар чорак яқунлари бўйича (белгиланган режа тўла амалга оширилган тақдирдагина) мукофот пули тўловини амалга ошириш.
5. Ҳар хил масалалар.

Ҳақ тўлаш кафолатланади.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз:

20208000503900572001

МФО 00423

Меҳнат бўлими Ўз ЖСБ

ҚИДИРИЛМОҚДА

Чилонзор тумани ИИБ томонидан 1925 йилда туғилган, Чилонзор мавзеси, Қизил Шарқ даҳаси, 22-уй, 71-хонадонда яшовчи **Александр Борисович Ли** қидирилмоқда. У шу йил 16 июнда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Қаттиқ склероз касаллигига дучор бўлган. Белгилари: ўртача гавдали, бўйи 165 сантиметр, юзи думалок, сочлари тўғри, сийрак қошлари оқ, кўзлари қора, мўйлови бор.

Эғнида қора шим, жигарранг

кўйлак, яшил трусик, оқ майка, қора туфли.

Алоҳида белгилари: бутунлай тиши йўқ, олиб қўйиладиган протези бор, чап моягида чандиғи бор, чап қўли ўрта бармоғининг бўғини йўқ. Орқа курагида 3 сантиметрли ёғ ўсимтаси бор.

А. Б. Ли турган жой тўғрисида хабари бўлган ёки уни кўрганларнинг барчасидан қуйидаги телефонларга кўнғироқ қилишларини сўраймиз: 78-84-53, 170-56-71, 23-24-42.

ТАШКИЛОТ

Амир Темур кўчаси ёқасидаги (Шахристон бекати) бинонинг биринчи қаватида жойлашган минг квадрат метр майдондан иборат уй ва унга тегишли бўлган ҳовли-жойни ижарага беради.

Шунингдек, Амир Темур хиебони яқинидаги бинонинг 3-қаватидан ўрин олган 600 квадрат метр майдондан иборат бўлган уйни ижарага топширади.

Маълумот учун телефонлар: 133-91-54, 133-84-64.

Тошкентдаги 64-мактаб томонидан 1996 йилда Раҳмонкулова Аслзода Ахроровна номига берилган UZT 260750 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 18-ўрта мактаб томонидан 1985 йили МАРИПАЛИЕВ Обиджон Турғунбоевич номига берилган 831607 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оздириш, соғломлаштириш.
Тел: 79-17-95.

Ишга таклиф қиламиз.
Телефон: 98-06-58.

Қурбон Самад номига КНР томонидан 1994 йил берилган Р 1553474 паспорт йўқолган. Уни топган кишини катта мукофот кутмоқда. Телефон: 48-82-05.

Ташкилот Россияда ишлаб чиқарилган йирик донали карбид **СОТАДИ** Баҳоси келишув билан, тўлов пул ўтказиш ёки нақд.
Тел: 130-36-70, 40-31-20, 8-296-56983

Собир Раҳимов туман Халқ таълими бўлими, 22-ўрта мактаб жамоаси мактаб раҳбари халқ ўқитувчиси Ҳокимжон Ҳошимовга укаси

Собиржон ҲОШИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Сарой Мулк хоним чигатой улусига мансуб бўлган мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи эди. У 1341 йилда туғилган эди. Отаси Қозонхон тахтдан аزل этилиб, қатл қилинган чоғда Сарой Мулк ҳали беш ёшда эди. У балоғатга етгач, 1355 йилда Мовароуннахр ҳукмдори Қозоннинг набираси амир Хусайн уни ўз никоҳига киритади.

1370 йилда соҳибқирон Амир Темур жангда амир Хусайнни енгиб, у қатл этилгач, Мовароуннахр ҳукмронлигини ўз қўлига олади. Табиийки, амир Хусайннинг бир неча хотинлари бўлиб, ҳарамнинг улуг бекаси — Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Кутлуг Оғо эди. Соҳибқирон Амир Темур амир Хусайн ҳарамдаги маликалар орасидан Қозонхоннинг қизи — Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг қизи — Улус Оғони, Хизр Ясурийнинг қизи — Исмо Оғони ҳамда Тоғай Туркон хотунни танлаб олиб, идда мuddати ўтгач, ўз никоҳига киритади.

Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгач, «Курагон» унвонига мушарраф бўлади. Курагон ибораси мўғулча сўз бўлиб, «куёв» деган маънони ифодалайди. Зеро, Сарой Мулк хоним мўғул хонларидан бирининг қизи бўлгани туфайли соҳибқирон Амир Темур мўғул хонининг куёви, яъни «Амир Темур Курагон» номи олан эди.

Соҳибқирон Амир Темур малика Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгач қадар, ҳарамда бошқа хотинлари ҳам бор эди. Лекин хон авлодига мансуб Сарой Мулк хоним ҳарамдаги барча маликалардан улугроғи ҳисобланиб, «Катта хоним» ёхуд «Бибиҳоним» деган унвонга ноил бўлади. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Зотан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тadbиркор ва ақл-идрок соҳибаси, хусн-латофат бобида ҳам беназир эди. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанини севувчи, мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл эди. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиб илмларга ҳомийлик қиларди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним кўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг берган маълумотида кўра, ўта зийрак, тadbиркор малика салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Сарой Мулк хонимга ошқора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфаҳон қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озука билан таъминлашга маблаг етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «Қўшиннинг заҳираси тугади, хазинадан зар юборинг!» дейилган. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига «Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадими!» — деб ёзади ва уни чопарга бериб жўнатади.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг кинояли замзамасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган кўй, қорамол, от ва туя суякларини ўша кунгунга йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрни киздириб тамга бостиради ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага киритишга фармон беради. Натижада, қўшни шаҳар ва қишлоқларда суяк пулга қўшин учун озик-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфаҳон шаҳари таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Амир Темур саройда жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида хотинлари ҳам иштирок этишган. Испания қироли Генрих III нинг Самарқанд ҳукмдори Амир Темур хазурига юборган элчиси Рюи Гонсалес де Клавихоннинг ёзишича, 1404 йил 8 сентябрь душанба кuni Амир Темур Самарқанд четига «Дилқушо» боғида элчиларни қабул қилади. Қабул маросими катта зиёфат ва тантана билан бошланган. Клавихоннинг хикоя қилишича, қабул маросимида ҳукмдор Темурнинг ёнида Сарой Мулк хоним бошлиқ бошқа хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар.

Нақл қилишларича, Сарой Мулк хоним кунлардан бир кун ўз жамгармаси ҳисобига, савоблик учун худо йўлига бир мадраса бино қилдиришга эри Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос бадонини сотувга қўйиб, бу маблагни мадраса қурилишига сарфлайди.

1405 йил 18 февралда Амир Темур Ўтрорда вафот этгач, Самарқанд тахтига унинг набираси Халил Султон Мирзо (1384-1411) ўтиради. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотида кўра, Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мирзо 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасади ўзи қурдирган мадрасаси ёнидаги макбарага «тош тобут»га солиб, мўмийланиб дафн этилган. Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо, соҳибқирон ўз ўғли Шохрух Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган эди.

Хонзода бегим Хоразм ҳукмдори Хусайн Сўфининг қизи эди. Асли номи Севин бека эди. Амир Темур Хоразмга қўшин юбортиб, орада жанг бўлади. Жангда Хусайн Сўфи енгилиб, шаҳар қалъасига қириб жон сақлайди. Амир Темур шаҳарни қамал қилади. Қамал асносида Хусайн Сўфи 1372 йил 5 январда вафот этади. Шундан сўнг марҳум ҳукмдорнинг укаси Юсуф Сўфи Амир Темур билан битим тузади. Битимга мувофиқ Юсуф Сўфи жияни Севин бекани Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзога хотинликка беришга рози бўлади. Севин бека Ўзбекхоннинг набираси, яъни хон авлодидан эди. 1373 йили Амир Темур буйруғига биноан Севин бекани Хоразмдан махсус

муҳофа билан Самарқандга келтирилиб, Кониғилда катта тўй-томошалар билан Жаҳонгир Мирзога никоҳланади. Шундан сўнг Севин бекани Хонзода бегим деб атай бошлайдилар.

Хонзода бегим Жаҳонгир Мирзодан бир ўғил туғади. Исмини Муҳаммад Султон деб атайдилар. Бироқ, 1376 (777) йилда Жаҳонгир Мирзо вафот этиб, ёш малика Хонзода бегим бева қолади. Аммо, Амир Темур Хонзода бегимни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади. Ўша замон тарихчиларининг берган маълумотида кўра, Амир Темур келини Хонзода бегимни ниҳоят даражада ҳурмат қилган ва унинг раъйига қараган. Хонзода бегимнинг хулқ-атвори, ақл-заковати ва тadbиркорлиги қайинота қалбида меҳр-мурувватни вужудга келтирган.

Амир Темур Хонзода бегимни қўлдан чиқармаслик учун ўзбек уруғ ва қабилаларида қадимдан урф-одат тусига кириб келган анъанани қўллаган, яъни ўлган аканинг бевасини кичик укасига никоҳ қилиш русумига биноан иш тутган. Бинобарин, 1383 йили Амир Темур Хонзода бегимни учинчи ўғли Мироншоҳга никоҳлаб беради. Хонзода бегим Мироншоҳдан бир ўғил туғади. Исмини Халил Султон Мирзо деб атайдилар.

1407 йили Хонзода бегим Каъбатullo зиёратига боради. Байтуллох зиёратидан қайтгач, Абдураззох Самарқандийнинг берган маълумотида кўра, ўғли Халил Султон Мирзонинг ўлимидан бир неча кун илгарироқ, яъни 1411 йил учинчи ноябрда Тус шаҳрида вафот этади.

Мулкат Оғо бегим Хизр ўғлоннинг қизи бўлиб, асли исми Мулк оғо эди. Мулкат оғо аввало Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзога турмушга чиққан эди. У Умар Шайх Мирзодан икки ўғил — Искандар Мирзо ва Бойқаро Мирзони туққан эди. 1394 йилда Умар Шайх Мирзо ҳалок бўлгач, Амир Темур бу келинини ҳам қўлдан чиқаргиси келмай, ўзининг кичик ўғли

Шохрух Мирзо никоҳига киритган эди. 1398 йили Мулкат оғо Шохрух Мирзога бир ўғил ҳадя қилади. Исмини Суюргаймиш Мирзо деб атайдилар.

Мулкат оғо Хирот шаҳрида шифохона, «дорулҳадис» номли хонақоҳ, иккита ҳаммом ҳамда Хиротдан 8 фарсах нарида, Амударёга борадиган йўл устида битта рабoт қурдиради. Шунингдек, Балх шаҳрида мадраса бино қурдиради. 1440 йил октябрь ойида Мулкат оғо бегим Кобулда вафот этади. Унинг жасадини Балха олиб келиб, ўзи қурдирган мадрасага дафн этадилар.

Гавҳаршод бегим Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзонинг суюкли катта хотини эди. У Чигатой зодагонларидан Гиёсиддин тархоннинг қизи эди.

Гавҳаршод бегим 1379 йилда туғилиб, 1393 йилда Шохрух Мирзо никоҳига кирган эди. Ундан уч ўғил-икки қиз туғилган эди. Тўнғич ўғли — Улуғбек Мирзо Курагон (Муҳаммад Тарағай, 1394-1449), ўртанча ўғли — Бойсунғур Мирзо (1397-1433) ва кичик ўғли — Муҳаммад Жўки Мирзо (1401-1445) лардир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гавҳаршод бегим юксак дид-фаросатли, оқила, тadbиркор, суҳандон, бир сўзли — қатъиятли, хусн бобида ҳам ягона бўлган. Табиатан мутаассиб диндор Шохрух Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини ўқтам ва тadbиркор малика Гавҳаршод бегим бошқарарди. Бу зийрак аёл қайинотаси Амир Темур вафотидан сўнг, секин-аста салтанат ишларини ўз қўлига олади. Зотан, Шохрух Мирзонинг ўзи ҳам Гавҳаршод бегимнинг донолигига тан берад, салтанатни бошқаришда оқилона ва тadbирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боис салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар-эътиборига ҳавола қилинарди. Вилоятларга ҳоким тайинлаш, қўшимча саркарда белгилаш, ҳатто кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг инон-ихтиёрида эди.

Гавҳаршод бегим Шохрух Мирзонинг ҳарбий юришларида иштирок қилиб, шаҳзодаларнинг феъл-атвори ва ҳарбий бошлиқларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турарди. Тахтга валиахд тайинлаш масаласида ҳам малика ўз иродасини ўтказишга уринарди. Чунонинч, Шохрух Мирзо ўзининг кенжа ўғли Муҳаммад Жўки Мирзони валиахд этиб тайинлашга ҳаракат қилади. Бироқ бу режа маликага ёқмайди. Малика ўз ўғли Муҳаммад Жўки Мирзога нисбатан набираси Алоуддавлани (1417-1461) валиахдликка муносиб деб биларди. Аммо ўртанча ўғли марҳум Бойсунғур Мирзонинг ўғли Алоуддавлани ошқора валиахд этиб тайинлашга, тўнғич ўғли Улуғбек Мирзодан ҳайикор ва бу масалани Шохрух Мирзо қўли билан ҳал қилишга уринарди.

Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳаршод бегим мамлакат равнақи йўлида тинмай ғамхўрлик қилади. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан мухлислари бўлиб, ҳатто ғазал ҳам битганлар.

Гавҳаршод бегим Хиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳнамолик қилди. Унинг ўзи ҳам Хиротда иккита катта мадраса қурдирган.

Шохрух Мирзо вафотидан кейин тахт учун бошланиб кетган қонли моjarолар тепасида Гавҳаршод бегим турарди. У суюкли невараси Алоуддавлани тахт соҳиби қилиш учун кўп ҳаракат қилса-да, бироқ мақсадига эриша олмади, аксинча ака-ука шаҳзодалар орасида қонли тўқнашувларни вужудга келтиради. 1450 йилда эса тахтни Алоуддавланинг укаси Абдулқосим Бобур Мирзо (1422-1457) қўлга киритади. 1457 йили Абдулқосим Бобур Мирзо Машхадда вафот этади. Бу фурсатдан фойдаланган Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо Хуросонни босиб олади. У катта ўғли Аҳмад Мирзога (1451-1494) Самарқанд тахтини инъом қилиб, ўзи Хирот тахтига ўтиради. Бу вақтда малика Гавҳаршод бегим 80 ёшга яқинлашиб қолган эди. Бироқ, малика Хуросон тахтидан ҳали воз кечмаган эди. Бинобарин, чевараси Султон Иброҳим Мирзони (Алоуддавланининг ўғли) ҳукмдор Султон Абусайид Мирзога қарши исён кўтаришга ундайди. Маликанинг бу ҳаракатидан хабар топган Султон Абусайид Мирзо маликани чопиб ташлашга ҳукм қилади. 1457 йили Гавҳаршод бегим чопиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунғур даҳмасига дафн этилади.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.



Сокин шаҳар кўчалари, маъюс энтиқишлар оғушида икки дил суҳбати кечга қадар давом этади. Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.

Билиб қўйган яхши

САБАБИ КЎП КУЛГИ

Ўз амакисининг қизига уйланган бир киши кўп кулиши, ҳаддан ташқари хурсандчилик қилиши натижасида ҳаётдан кўз юмди. У киши Уммо мамлакатининг қишлоқларидан бирида яшарди. Ўзининг тўйида меъёридан ортқ кулиши ва хурсандчилик қилиши уни юрак сактасига дучор қилди ва ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди.

ИККИ БОШЛИ ИЛОН

Шри-Ланка ўрмонларидан бирида икки бошли илон топилди. Илоннинг узунлиги 20 сантиметр бўлиб, ўзи уч ойликдир. Илон ҳозир Шри-Ланка миллий ҳайвонот боғида сақланмоқда. Бу ҳайвонот боғида табиатда кам учрайдиган ноёб ҳайвонлар топилади.

СЕМИЗ БОЛАЛАР УЧУН МАКТАБ

Хитойда семиз болалар учун алоҳида мактаблар ташкил қилинган. Бундай мактабларда болаларнинг вазни, ўсиш суръати, муносиб таомлар режими ва жисмоний фаолиятига катта аҳамият берилди. Мактабда кўп таом ейиш обрў саналади.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.



Кел, биргалашиб тест саволларига жавоб топайлик. С. Маҳкамов олган сурат.

ЭЛИМГА

Айлай таъзим бажо, доно элимга,
Элар ичра қадди расо элимга.

Мунис она каби дарди дилида
Бўлса арзир жоним фидо элимга.

Фарзандингни сақла, авайла, дейман,
Усмон, Чўпонидан жудо элимга.

Ҳурмат ортди она тилимга яна
Истиқлол сочибди зиё элимга.

Мен тилайман вафо, иймон йўлини
Исломига қайтган зукко элимга.

Топди ўз йўлини Ўзбекистоним
Ҳавас ила боқар дунё элимга.

АЁН ЭТДИМУ?

Зангори кўк юзин булут тутдиму,
Турналар қарвони учиб ўтдиму?

Турибман бу боғда ҳаёлга толиб,
Орзуим — қуз гули сўлиб битдиму?

Адашдим, бу чигал ҳаёт йўлида
Меҳрли бир кимса қўлим тутдиму?

Бебаҳо кунларни совурдим елга,
Мен кутдим фурсатни, фурсат кутдиму?

Қани, у, шеъримнинг сара, асили,
Юрак ўз-ўзини аён этдиму?

Армонлар чўкибди кўнғил тубига,
Умримнинг қуз фасли келиб етдиму?

Рауф ТОЛИБ.

Назм



Анжуманлар

«АЁЛ — МИЛЛАТ КЎРКИ»



Аёл билан олам мунаввар, деганларидек, аёл кўлса олам кўлади, хонадонларимизга файз-баракат, тароват киради. Аёллар йили бўлмиш жорий йилда хотин-қизларни эъозлаш, уларга янада кенг ижтимоий-иқтисодий имкониятлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, маънавий-маърифий йўналишдаги турли-туман тадбирлар, анжуманлар ташкил этилмоқда.

Қатра

Кўшнимнинг шафтолиси гуж-гуж. Баргидан ҳам кўп. Билакдек икки шохи эса, ўртадаги девор оша эгилган. «Хосилимдан енг», дея кўз-кўз қилади менга. Кўшни ҳақки бор, ахир. Икки дона юмшоқкина етилганидан еб, «мазаси оғзимда қолди-я» дейишимни биламан. Девор орқасидан кўшнимнинг тўнгиллагани кулоққа чалинди: «Шафтолини мен парвариш қилай, хузурини кўшним кўрсин».

Ичимда: «Ана холос», дедим-ку, кўнглимга олмадим.

— Менинг ҳовлим жаннатдек,

КЎРИНМАС КАЛТАК

сизники чўлдек бўлса, менга ҳам ноқулай. Токимнинг узун икки новдасини баланд сўридан тушириб, ҳовлингизга паршиш қилсам майлими? Узумга тезроқ ёлчийсиз, — дедим кўшнимга бир кун.

Паршиш шу йилиёқ ўзини оқлади. — Узуми оғзимга тегди, қўлингиз дард кўрмасин. — Кўшним мендан миннатдор. Ёруғ дунёда кўшигарчиликнинг бебаҳо қадрини сўзлаб дил топишамиз.

— Токнинг илдиз томонидан ишлов озуқа берсам, сиз томондаги узумга ҳам куч бераверади, бемалол, — дедим гап хонаси келганда.

Кўшним ғалати қараш қилди. Ранги ўзгарди. Айтган гапи эсига тушиб кетди шекилли чамамда.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Юнусобод туман халқ таълими, маданият ишлари, ижтимоий таъминот, ФХД бўлимлари, «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ва «Меҳри» аёллар жамияти билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Аёллар йилига бағишлаб ўтказилган тадбир ҳам «Аёлдир — миллат кўрки» деб номланди. Юнусободлик фуқаролар ва ҳамшаҳарларнинг байрам сайли тарзида ўтказилган ушбу тадбирда республикадаги таниқли аёллар билан учрашув, ҳуқуқшунос олимлар, адлия ходимлари иштирокида аёлларни қизиқтирган масалалар бўйича давра суҳбати, «Меҳр-мурувват» хайрия лотереяси чипталари сотуви ташкил этилди, тумандаги илғор ва фаол аёллар эъозланди. Кам таъминланган оилалар, етим болалар, ёлғиз ва муҳтож аёлларга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамидан уларнинг бошлари кўкка кўтарилди.

Абдулхай Каримов, Хуррият Исроилова каби эл севган хонандалар, «Тановар» рақс дастаси, «Юлдузча» болалар дастаси, тумандаги М. Турғунбоева, А. Қодирӣ, Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйлари ва бадий ҳаваскорлик жамоаларининг аёлларга бағишланган байрам дастурлари сайлга йиғилган барча ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди.

«Энг ибратли келинчақ» кўриктанловини эса аёллар йилига бағишланган байрам сайлининг гултожи бўлди, десак янглишмаймиз. Жуда таъсирчан, қизиқарли ҳаётий сахналарга бой бўлган ушбу танловда тумандаги «Мингўрик» маҳалласида истикомат қилувчи Барно Алиева «Энг ибратли келинчақ» деб топилди, туман ҳокимлиги, «Камолот» жамғармаси туман бўлимнинг қимматбаҳо совғалари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Энди у туман кўрик-танловининг ғолиби сифатида шаҳар миқёсидаги мусобақаларда қатнашади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: «Аёлдир — миллат кўрки» сайлидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Пазандалик

«ЛАЗЗАТ» СОМСА

Ёз келиши билан энг аввало ёз неъматларидан сомса ва чучваралар ҳақида ўйлаб, дарров пиширишга тушамиз. Чунки инсон организми ҳам бу вақтда турли неъматлардан тайёрланган таомларни кўпроқ истеъмол қилишга мойил бўлиб қолади.

«Лаззат» сомсанинг бошқалардан фарқи, унинг хамирини қоришда. Эҳтимол бунни кўпчилик билар, бироқ билмаганлар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун бир уриниб кўринг, ажаб эмас ёзги таомлар рўйхатингизни яна биттага кўпайтирсангиз.

Сомсанинг хамирини тайёрлаш учун керак бўладиган масаллиқлар: хамири учун 500 грамм оқ ун, 200 грамм маргарин, 1 стакан қатқ ёки кефир, 1 дона тухум, 1 чой қошиғида сирка, чой содаси, туз солинади; қиймаси учун 500 грамм лаҳм ёки 300 грамм қийма, 250 грамм ёғ, 250 грамм пиёз, ярим чой қошиғида туз, мурч, зира. Юзига эса 1 дона тухум ва 1-чой қошиғида седана керак бўлади.

Керакли масаллиқларни тахт қилиб олганингиздан сўнг, энг аввал хамир қорасиз. Бунинг учун музлатгичда қотиб турган маргаринни олиб, кирғичдан ўтказасиз ва эланган унга қориштирасиз. Қатқ ёки кефирни тухум билан бирга бир хил масса бўлгунча аралаштирасиз-да маргарин қориштирилган унга қўшиб хамир қорасиз. Хамир қориш давомида аввал сиркани, сўнг чой содаси ва тузни қўшасиз. Хамирни яхшилаб мушглаб пишитиб, зувала қиласиз ва сочикча ўраб, музлатгичга қўясиз.

Хамир тиниб, тайёр бўлгунча қадар сомсанинг қиймасини ҳозирлайсиз. Бунинг учун керакли масаллиқларни артиб, ювиб, тозалаб лаҳм гўшт бўлса «чумчүк тили» қилиб тўғрайсиз, пиёзини эса аввалига сомонча қилиб, сўнг ош пичоқ билан чопасиз ва туз, мурч, зира қўшиб яхшилаб мижийсиз. (Агарда қўк сомса қилмоқчи бўлсангиз гўштни ўрнига қўк солсангиз ҳам бўлади. Таъбга қараб картошка ҳам аралаштириб юборишингиз мумкин).

Қийма ҳам тайёр бўлди, дейлик. Энди музлатгичда турган хамирни олиб ёнғокдек келадиган зувалачаларга бўласиз. Ҳар бир зувалачани жўва ёрдамида 2 мм қалинликдаги доира жилдлар ёясиз. Жилдларга бир ош қошиғида қиймадан солиб шарсимон сомсалар тугасиз. Духовка патнисини ёғлаб сомсаларни бир-бирига ёпиштирмай терасиз, юзига ийланган тухумдан суртиб, седана сепгач, қизитилган духовкага солиб пиширасиз. Пишганлиги сиртининг қизарганлиги билан аниқланади. Духовкадаги икки патнис сомсани қизарганлигига қараб ўрнини алмаштириб қўясиз, чунки юқори патнисдаги сомсалар тез қизаради.

Тайёр бўлган сомсалар лаганга терилиб дастурхонга тортилади.
Гулбаҳор МУМИНОВА тайёрлади.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўргатиб домо бўлур...

◆ ХИКОЯТ. Бир шогирд ўз устозидан: «Илон билан хазина орасида қандай муносабат бор, нега хазина бор жойда илон бўлади?» — деб сўради. Устоз унга: «Юзаки қаралса уларнинг орасида ҳеч қандай алоқа йўққа ўхшайди, аслида эса иккови ҳам заҳардир. Чунки олтини кўп киши ҳам ҳар томонлама заҳарланган бўлади!» — деб жавоб берди.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.

◆ ХИКМАТ. Ҳар ким гуноҳкор кишини кечира олса бу улуглик нишони ва олиҳимматлик аломатидир.

◆ Ҳисоб ва сарф муомала учун, уэр ва ихлос дўстлик ва муҳаббат учундир! Байт:

Ҳар кимсага таъна тошини отма,
Гарчи бўлса ҳамки қайсар ёки шум!
Айбсиз дўстларни топмоқ муаммо,
Айтчи, хатолардан ким поку маъсум!

Ҳар ким дўстларига хушфеъл бўлмаса,
Дўстлик иззатидан бўлади маҳрум!

◆ Ёлғондан ичилган қасамнинг охири хорлик.

Ўлим хавфи бўлса ҳам ҳамиша рост сўзламоқ керак.

Эгри юрмоқ бўлса одатинг,
Дилингдан ҳеч гусса кетмайди,
Тўғри бўлган, эгри ўқ ҳеч вақт,
Нишонга бориб етмайди.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ Азизим, то талаб оёғи ранжу меҳнат тикони билан мажруҳ бўлмас экан висол қўли мақсад гулининг ёқасига етолмайди, кишида кучли интилиши бўлмагунча муродининг офтоби Машриқ умиди уфқидан нур сочиб чиқмайди. Чунки гул териш учун тикон заҳарини чекиш лозим. Ранж чекмасдан туриб, ганж эшигини очиб мумкин эмас. Демак, мақсадга етишмоқ учун тинимсиз сазй-ҳаракат қилмоқ керак.

◆ Азизим, киши бирор кишини гумон билан жазолаши ноўринки, гумон билан қилинган ишдан беҳисоб зарарлар юзланади. Чунончи, айтадилар:

Гумон билан асло бирор кишига,
Ўқубат етказма, бўлгунг пушаймон.
Ошкор бўлган ишнинг ҳақиқий сирини,
Сўнги пушаймондан фойда йўқ ишон!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

◆ Ёлғон ва бўҳтон аҳлок бузилишидан дарак берувчи феъллардандир. Бу феъллар энг қабих феъллардан ҳисобланади. Бундай феъл соҳиблари одамлар ҳақида турли-туман бемаъни сўзларни сўзлаб юрадилар.

Ёлғон билан бўҳтоннинг фарқи шундаки, ёлғончи ўз ишлари ҳақида ёлғон гапирса, бўҳтончи бошқалар ҳақида ёлғон гапларни тарқатиб юради. Бу хилдаги одамлар халқнинг обрўномусига, касбу корига дахлдор бемаъни сўзларни тарқатишлари билан оқибат-натияжада кўпчиликнинг нафратига учрайди. Бўҳтончининг сирини очилгач, қилган бўҳтонлари учун ҳатто жазога лойиқ бўлиб қолади. Демак, ҳар бир киши бундай номакбул феъллардан сақланишга қаттиқ тиришиши ва бундай феъллардан ўзини сақламайдиган кишилардан узоқ юришга уриниши лозим.

◆ Айтишларича, бир шаҳарнинг атрофидаги далада қўйлар отари бўлиб, чўпон ўз қўйларини кўриқлаш мақсадида итини посбон қилиб тайинлади. Ит содиклик билан қўйларни кўриқлар, ҳеч бир жонзотни қўйлар яқинига келтирмас эди.

Кунлардан бир кун далага яқин тоғда яшовчи тулки ит билан тил топишиб қолди. Тулки итга юзлаб хушомадлар қилар, итнинг кўнглида эса у билан айшу ишрат қилиш тамаси жўш урар эди. Ит шу тама туйфали тулкига ҳар куни биттадан кўзи инъом қила бошлади.

Қўйларнинг қамайиб бораётганини сезган чўпон бир куни ўзича: «Садоқатли итим бўлса-ю, нега бундай ҳол юз беряпти?» — деб ўйлабди, пойлашга тушди. Воқеадан огоҳ бўлган, «ўзингдан чиққан балога қайга борасан даъвога, тама итни йўлдан урибди» деди. Шеър:

Посбон оёғига кирдиш тошкон,
Ўғри матоларни ўмарди осон.

Азизим, кўрдингми, тама инсонларнигина эмас, ҳатто ҳайвонларни ҳам йўлдан оздирар экан. Шунинг учун имкони борица тама домига тушмасликка урин!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.


◆ Ҳакми Санойи атади:

— Киши ўз сирини беш хил кишига айтмаслиги керак. Буларнинг биринчиси — макру хийлалар аёл, иккинчиси — балогатга етмаган бола, учинчиси — тентак, тўртинчиси — бировга тобе киши, бешинчиси — синалмаган дўст.

Енгилтак ва макр соҳибаси бўлмиш аёлга сир айтган кишининг иши гўё оловга пахта ташлаб, унга «қуйма!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Болаларга сир айтган кишининг иши эса сувга кўза ташлаб, унга «хўл бўлма!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Тентакка сир айтган кишининг иши гўё мушукка гўшт ташлаб, унга «е!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Бирор тасодиф туйфали бировга қарам ва тобе бўлиб қолган кишига сир айтган кишининг иши гўё ит олдиға суяк ташлаб, унга «ғажима!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Синалмаган дўстга сир айтган кишининг иши гўё ўзини ўзи дарёга отиб, дўстига хитоб қилган ҳолда: «Мени фарқ қилишдан қутқар!» — деган кишининг ишига ўхшайди.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ.

Махмуд ҲАСАНИЙ таржималари.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 боёма табоқ офсет усулида
босилади. Қозғ бичими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.